

Oila va iamiyat

№ 46 (1447)
20-NOYABR
2019-yil

Gazeta 1991-yil 1-sentabrda chiqqan boshlagan

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

@oilavajamiyatgazetasi_bot

Suvning Har Tomchisida

18 ming olamning quvvati mujassam

✦ Сув бу ҳаёт демақдир. Сувнинг томчисида 18 минг оламнинг қуввати яширинган, дейди нурунийларимиз. Инсон ҳаётида сув энг муҳим ўринни эгаллайди. Чунки сув ижтимоий ва маиший турмушимизда, инсоният тараққиёти ва тириклигининг асоси ҳисобланади.

Аммо биз, яъни одамлар табиатнинг шундай улуғ ва тансиқ неъматини ҳамиша ҳам қадрлай оляпмизми?


✦ Бир суткада Ўзбекистон аҳолисига

6 млн. 226 минг
м/куб сув етказиб берилади.



✦ Республика бўйлаб жами

65.8 минг километр сув тармоқлари ўтказилган.



✦ **10** мингдан ортиқ сув ва оқова иншоотлари мавжуд.



✦ Шунингдек, сув қувурлари орқали сувни аҳоли хонадонларига етказишда умумий сув-

нинг **30-40** фоизи йўқотилади. Хорижий давлатлар тажрибасида

бу кўрсаткич **10** фоизни ташкил этади.

Bayrog'im — Faxrim

Давлат рамзлари ҳар бир мамлакатнинг мустақиллигини ифодаловчи муқаддас белгидир. Шундай тимсоллардан бири - "Давлат байроғи тўғрисида"ги қонун қабул қилинганлигига 28 йил тўлиши муносабати билан юртимиз бўйлаб қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, куни кеча Тошкент шаҳар Бектемир тумани МТБ тасарруфидаги 579-сонли Давлат мактабгача таълим ташкилотидан "Байроғим —

фахрим" кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди. Унда тумандаги барча мактабгача таълим муассасалари иштирок этишди.

Тадбир иштирокчилари мамлакатимиз давлат рамзлари, уларнинг тасвирлари мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида чиқишларини намойиш этди. Уларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири моҳияти, ундан фойдаланиш қоидалари ҳақидаги фикр-



мулоҳазалари йиғилганларга манзур бўлди. Шунингдек, иштирокчилар Давлат байроғи мадҳига бағишланган шеър ва кўшиқларни маҳорат билан ижро этишди.

Мазкур кўрик-танловда фахрли биринчи ўринни 573-ДМТТ эгаллаган бўлса, 2-ўрин 582-ДМТТ га насиб этди. 3-ўринга эса 581-ДМТТ лойиҳа топилди. Ғолиблар туман мутасадди ташкилотлари томонидан фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Нияра МАЖИДОВА,
Мактабгача таълим бўлими шўъба мудири

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси

Бошланғич ташкилотлари бугун қандай фаолият олиб бормоқда? Бошланғич олдида турган муаммолар нимадан иборат-у, уларнинг ечими йўлида қандай чора-тадбирларни амалга ошириш лозим?!



“АНВОЛ ҚАНДАЙ, БОШЛАНГ‘ИЧЛАР?”

Мазкур саволларга Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида бўлиб ўтган, Хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилотларининг келгуси фаолият йўналишларини белгилаб олишга бағишланган йиғилишда батафсил жавоб берилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда аёллар масаласи ҳар доимгидан-да долзарб бўлиб турибди. Буни сўнги пайтларда интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларда тарқатилаётган салбий маълумотларнинг ёки негатив қарашларнинг ҳар иккитадан биттаси айнан аёл сиймоси билан боғлиқлиги ҳам тасдиқлайди.

Тадбирда хотин-қизлар борасида юртимизда катта ишлар амалга оширилаётганига қарамай, ижтимоий ҳаётимизда қатор камчиликлар ҳам мавжудлигига эътибор қаратилди.

Маълумки, жамоат ташкилотлари ўз позицияси ҳамда мақсадларини бошланғич ташкилотларисиз жамоатчиликка етказиб бериши осон кечмайди ва ҳар қандай тузилма ҳамда ташкилотнинг фаолият сарадорлиги унинг қуйи тизимлари, айниқса, бошланғич ташкилотларининг нечоғли фаоллигига боғлиқ бўлади.

Йиғилишда бугунги кунда Хотин-қизлар қўмитасининг вазирлик ҳамда идоралар, корхона ва ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳарбий қисмлар, таълим муассасаларида 47 мингга яқин бошланғич ташкилотлари рўйхатга олингани алоҳида эътироф этиб ўтилди.

Шунга қарамай, аксарият пайтларда бошланғич ташкилотларни номигагина ташкил қилиб қўйиш, улар тизимнинг давоми сифатида узлуксиз ишламаслиги ҳолатлари жамиятимизда рўй бераётган воқеликларда хотин-қизларнинг позицияси кўринмаслиги ёки суст бўлишида акс этмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Эльмира Баситханова бу ҳақда фикр билдирар экан, жумладан, шундай деди:

— Куни кеча Лола Йўлдошеванинг клипи чиқди. У “Ўзбекконцерт”нинг лицензия олиб, бериш тартибини балки тўғри танқид қилгандир. Лекин атласни масхарабоз қийими қилгани, маънавият сўзини ўйинчоқ қилиб қўйгани — бу йигирма бешинчи кадр. Афсуски, бунга яна ижтимоий тармоқда кўпчилик қўллаб-қувватлаган. Ана шундай ҳолатларда бошланғич ташкилотларнинг фаол бўлиши эса жуда ҳам муҳим.

Анжуманда бунинг учун қилиниши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди. Шунингдек, уларни самарали ташкил этишда бошланғич ташкилотлар раислари бевосита ҳудудий хотин-қизлар қўмиталари билан, корхона ҳамда ташкилот жойлашган маҳалладаги хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислар билан доимий ҳамкорлик ўрнатиши зарурлиги таъкидланди.



“ЎЗБЕКISTONDA ISHLAB CHIQRILGAN”

Бугунги кунда тўқимачилик саноатини ривожлантириш, экспорт ва маҳаллий бозорлар учун сифатли маҳсулотларни етказиш, шунинг баробарида, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашга бўлган талаб тобора ўсиб бормоқда. Тўқимачилик маҳсулотларига эҳтиёжнинг иборати эканини инобатга оладиган бўлсак, ишлаб чиқариш фаолиятини ошириш ва жаҳон стандартлари асосида маҳсулотлар тайёрлаш бугуннинг муҳим вазифаларидан биридир. 2018 йилнинг сентябрийда Мирзачўл туманида ишга туширилган “Мирзачўлтекс” МЧЖ корхонаси ҳам ана шу мақсадлар йўлида хизмат қилмоқда.

Тўқимачилик соҳасининг асосий йўналиши республикаимизда мавжуд бўлган пахта-хом ашёсидан харидорғир маҳсулот ишлаб чиқиш ҳамда буларни чет элларга чиқаришдан иборат. “Мирзачўлтекс”да ҳам сифат даражасига эътибор ва талаб юқори. Цехларда жинси матоларидан ўсимирлар учун шимлар тикилиб, тайёр маҳсулотлар Туркия давлатига экспорт қилинади.

Корхона ўтган йилнинг сентябрь ойида иш бошлаган бўлиб, дастлаб 11



та қизлар касб малакасини ўзлаштириш учун ўқитилди. Шу тариқа олти ой мобайнида хотин-қизлардан 60 нафар мутахассислар тайёрланди.

— Тикув цехларимизда 80 нафар ишчилар меҳнат қилмоқда, — дейди кадрлар бўлими бошлиғи Барно Жонибекова. — Бу ерда ходимлар учун етарлича шароитлар яратилган. Тиббиёт ва дам олиш хоналари мавжуд, катнашлари учун махсус транспортлар ажратилган. Буларнинг бари иш унумининг ортшига туртки бўлади, албатта. Келгусида бошқа туманлардан ҳам ишчиларни жалб этмоқчимиз. Шунингдек, Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Сирдарё вилоятларидан соҳа мутахассисларини жалб этиш ниятидамиз.

Хозирда корхонада тайёр материалдан маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Бир кунда 500-700 дона шимлар тикиляпти. Хозирда 68 та ип-йигирув ускуналари

ажратилган. Буларнинг бари иш унумининг ортшига туртки бўлади, албатта. Келгусида бошқа туманлардан ҳам ишчиларни жалб этмоқчимиз. Шунингдек, Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Сирдарё вилоятларидан соҳа мутахассисларини жалб этиш ниятидамиз.

ANDIJONDA SAYYOR QABUL

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Т.Худайбергенов раҳбарлигидаги республика ишчи гуруҳи Андижон вилоятининг Бўстон туманида иш бошлади. Сайёр қабулни Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Т.Худайбергенов очиб, республика ишчи гуруҳи аъзолари ва улар шугулланадиган масалалар юзасидан фуқароларни таништириб ўтди. Мазкур сайёр қабулда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Гулнора Маъруфова ҳам иштирок этди.



Бўстон туманида ўтказилган Сайёр қабул жараёнида 20 нафар Шаҳрихон, Бўстон, Балиқчи, Улуғнор туманларидан келган хотин-қизларнинг мурожаатлари тингланбди, уларнинг 4 нафарининг масаласи жойида ижобий ҳал этилди. 3 нафар хотин-қизларга ер ажратилди. 1 нафарига кредит ажратилиб бандлиги таъминланди.

Асака туманидаги қабулда Андижон шаҳар, Булоқбоши, Марҳамат туманларидан жами 27 нафар хотин-қизларнинг мурожаатлари ўрганилди.

Мазкур хотин-қизларнинг 11 нафарининг мурожаатлари жойида ижобий ҳал этилди. 2 нафарининг бандлиги таъминланди, 4 нафарига уй-жой ва ер ажратилди, 1 нафари ногиронлик гуруҳига ўтказилди, 4 нафарига ногиронлик аравачаси берилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси
Матбуот хизмати.

ўрнатилган бўлиб, булар Хитой ва Ҳиндистондан келтирилган. Технологиялар бўйича сабоқ бериш учун Кореядан тўрт нафар мутахассислар таклиф этилди.

Ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида коллеж ўқувчилари ҳам жалб этилган. Бу йил соҳа бўйича улардан 5 нафари иш билан таъминланди. Ёш технологлар орасидан Юлдуз Назарова, тикувчилардан Шахло Бобоева, Шаҳноза Солиеваларни ўз касбига меҳри борлиги боис, ўрнатилган кўрсаткиш мумкин.

— Жорий йилнинг декабрь ойида янги мато тўқув цехининг ишга туширилиши режа қилинган, — дейди кадрлар бўлими бошлиғи Барно Жонибекова. — Ана шунда жинси матоси ўзимизда тўқилади ва яна 136 та янги иш ўрни очилади. Кейинчалик, 2020 йилга келиб, иш уч навбатда ташкил этилиши, ходимлар сони 300 нафарга етиши кўзда тутилган.

“Ўзбекистон” ёрлиғи қадалган, сифати хорижий маҳсулотлардан қолишмайдиган бу либослар тезда ўз харидорларини топиб улгургани бежиз эмас. Бичими бежирим, чокларининг мустаҳкамлиги кўзга ташланиб турган ўз маҳсулотларимиз юртимизда саноат ривожини сари ташланаётган одимларнинг залворидан дарақдир.

Холниса РАҲМОНҚУЛОВА.

oilavajamiyat@mail.ru

G'URUR VA IFTIXOR BELGISI



**поликлиникаси шифо-
кори.**

– Ҳар бир инсон қалбида ватанпарварлик ҳисси бўлади, бизни ҳам бу ерга бошлаб келган нарса айнан юртимиз рамзларига бўлган меҳримиз десам адашмаган бўламан. Бугунги кунда давлатимиз ҳар бир жабҳага алоҳида эътибор қаратмоқда, мазкур тадбирни бунга яққол мисол қилган бўлар эдим. Майдонга йиғилганларнинг яримдан кўпи ёшлар:

мактаб ва олийгоҳ ўқувчилари эканлигини кўриб қувондим. Уларнинг қалбида ҳам ватанпарварлик ҳисси жўшурмоқда, байроққа бўлган муносабатлари кўзларидаги қувончдан сезилиб турибди.

Низомий номидаги Тошкент Давлат университети ҳарбий таълим факультетининг 1-босқич талабаси Жавоҳир Жумаев, байроқ сизнингча нима деб берган саволимизга қуйидагича жавоб берди:

– Байроқ – бир мамлакат ёки ташкилотнинг рамзий кўринишини тасвирловчи рангли мато парчасидир. Ҳа, байроқни мато парчасилиги рост, аммо у шунчаки парча эмас, балки давлатнинг гурури, ифтихори ва фахрининг бир белгиси. Биз ёшлар юртимиз гурури бўлган байроғимиз билан фахрланамиз.

– Миллий ифтихоримиз бўлган байроғимиз қабул қилинган кун муносабати билан ўқувчиларимни мазкур байрамга олиб чиқдим, – дейди, **юнон-рум кураши бўйича мураббий Мансур ЖАББОРОВ**. – Мақсадим бўлажак чемпионлар қалбида байроғимизга бўлган меҳр-муҳаббат ҳиссини кучайтириш, гурур туйғусини янада шакллантиришдан иборат.

Мансур Жабборовнинг мана шундай ёш шогирдларидан бири Иброҳим Мустафоев байроқ ҳақида ёд олган шеърини айтар экан, ҳаяжондан кўзларига ёш олди. У кунги кеча Жиззах вилоятида ўтказилган мусобақада юнон-рум кураши бўйича биринчи ўрин соҳибига айланган. Бу унинг юртимиз байроғини баландларга кўтариш йўлидаги илк қадамларидан бўлса, ажаб эмас...

– Бундан 28 йил муқаддам Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Юртимизнинг рамзларидан бири бўлган байроқ, Ўзбекистон сарҳадида қадимда мавжуд бўлган давлатлар билан тарихан боғлиқлигини англагани ҳамда республикамизнинг мил-



лий-маданий анъаналарини ўзида муҷассамлаштиради, – дейди **Қашқадарё вилояти Чирокчи туманидан келган нафақадаги ўқитувчи Шомурод Боймирзаев**. – Бугун мана шу 28 йиллик юбилейнинг шундай тантанавор нишонланаётганини кўриб, ич-ичимдан қувоняпман.

Хиёбон чеккасида расм чизаётган мактаб ўқувчилари эътиборимизни тортди.

Ўзини Эъзога дея таништирган болалар музика ва санъат мактабининг 3-синф ўқувчисининг айтишича, улар хиёбонда бўлаётган байрам шукӯҳини қоғозга тушириш мақсади билан ишончли саркардалар кўлига тутқазилган. Сабаби, байроқ кўлдан чиқди, дегани юрт бой берилди деган маънони билдирган. Байроқни пастга тушириш эса таслим бўлиш маъносини аналтган. Биз сержантлар халқимиз байроғини абадий кўтариб турмоққа тайёрмиз.

Хурийд Нурмаатов, Чирчик шаҳри 71201- ҳарбий қисм сержанти:

– Қадимда кўп жанглари бошидан кечирган юртлар учун байроқ катта аҳамиятга эга бўлган. Юрт байроғини асраш катта масъулият билан ишончли саркардалар кўлига тутқазилган. Сабаби, байроқ кўлдан чиқди, дегани юрт бой берилди деган маънони билдирган. Байроқни пастга тушириш эса таслим бўлиш маъносини аналтган. Биз сержантлар халқимиз байроғини абадий кўтариб турмоққа тайёрмиз.

Хиёбондан узоқлашарканмиз, йўлақда жажжигина кўлчасида байроқ тутган қизалоққа кўзимиз тушди. Қизалоқнинг кўлида ҳилпираб турган байроқда онанинг, ватанининг, меҳрининг тимсолини кўргандек бўлдик.

Ўз муҳбиримиз

Ўтган йил 16 июлда пойтахтимизнинг “Халқлар дўстлиги” санъат саройи олдидаги сайилгоҳида баландлиги 65 метрли байроқ ўрнатилган эди. Жорий йилнинг 18 ноябрь санасида, мазкур байроқ пойида саҳна ясатилиб, миллимиз байроғининг 28 йиллиги кенг нишонланди. Сайилгоҳга йўл олар эканмиз, кўчаларда қатор қилиб илинган юртимиз байроқларини кўриб, давлатимиз рамзига бўлган ифтихор туйғуси ортиб бораверди. Юрагимизда учкун отган ҳаяжон, алангага айлана бошлади. Мана хиёбонга етиб ҳам келдик, одам гавжумлигини кўриб янада қувондик, ахир байроқ учун ташкиллаштирилган мазкур тадбир бу даражада катта бўлишини хаёлимизга келтирмаган эдик-да...

Атрофда айём шукӯҳи шундоқ сезилиб турарди. Ҳамманинг кўлида турли ҳажмдаги юртимиз байроғи, юзида самимий табасум. Баъзи ёшлар суратга (селфи) тушиш билан банд, баъзилари концерт томошасига ошиққан.

Фарида ХАМРОЕВА, Тошкент шаҳар Миробод тумани 7-сонли болалар стоматологик



ABONENT “DADA” DAN JAVOB KELDI

Америкалик 23 ёшли Честити Паттерсон отасининг ўлиmidан сўнг тушкунликка тушиб қолди. Қиз ўзини яхши ҳис қилиши учун ҳаётида содир бўлаётган воқеалар ҳақида отасининг телефон рақамига SMS хабарлар жўнатиб турди.

....“Салом дада, бу яна мен” деб ёзган эди Паттерсон. Эртанги кун ҳам доимгидек қийин бўлади. Мен онамни ақлдан оздиришни давом эт-



тираман, бу уни яхши сақлайди. Мени овутиш учун онам янада кучлироқ бўлиши кераклигини англаб етди. Мен турмушга чиқишдан кўрқаман. Чунки сиз ёнимда туриб “ҳаммаси яхши бўлади”, деб айтолмайсиз. Мен сизни жуда яхши кўраман.

Кутилмаганда хабарга жавоб келди.

....“Салом, қизалоғим!” – деб ёзган эди абонент “дадам”. Бу сизнинг дадангиз эмас, лекин барча хабарларингиз менинг телефон рақамимга етиб келди. Менинг исмим Брэд. 2014 йили қизим автохалокатда вафот этган эди. Сизнинг SMSларингиз менга ҳаётимни

давом эттиришимга ёрдам берди. Мен сизга олдинроқ жавоб ёзмақчи эдим. Лекин дилингизни огритиб қўйишдан кўрқардим. Сиз ажойиб қизсиз, раҳмат сизга! Сизнинг хабарларингиз менга Худо борлигини яна бир бор эслатди. У менга фаришани жўнатди.

– “Тўрт йил давомида отамга ҳаётим ҳақида ёзмадим”, – дейди ҳайратланган Честити. – Аммо бугунги кунда у охир-оқибат ҳамма нарсадан хабари борлигини ва нариги дунёда сокин ором олаётганини исботлади!

ЖАСМИН тайёрлади

Она tabiatga oshno bolalar

mehrlı, e'tiborlı va sog'lom bo'lib ulg'ayadi

Хозир қайси бир бола билан суҳбатлашманг, интернетдаги шов-шувлар ва янги хабарлар борасида гап бошлайди. Тўғри, боламиз зийрак ва огоҳ бўлиб улгайгани яхши. Лекин бу дегани уни телефонга "михлаб", тушуниб-тушунмай ўқиётган хабарлари-ю кўраётган томошаларидан завқланиш керак, дегани эмас-да... Аввало уларнинг қалбида она Ватанга, табиятга бўлган беғубор муҳаббатни уйғота олишимиз керак эмасми?...

"ЖОНЛИ БУРЧАК" ВА ЖОНЛИ САВОЛЛАР...

Мен ҳар гал синфга кирганимда болалардан, аввало, об-ҳаво ва табиатимиздаги ўзгаришларга муносабатини сўрайман. Ҳеч бўлмаса, синфхонасига болалар кўрмаган янги гул навини гултувақда кўтариб кириб, уларни ҳайратлантиришга ҳаракат қиламан. Синфимизда сайроқ кушлардан жонли бурчак ҳам ташкил қилганмиз. Бевосята ана шу кушлар билан боғлиқ маълумотлар тўплаб келишни вазифа қилиб топширганамиз, улар шундай ажаб-товур хабарларни йиғиб келишдики... Ҳатто уларнинг саволларига мен ҳам жавоб топа олмай қолган пайларим бўлди. Энг муҳими, болалар ўзлари тоған қизиқарили маълумотлар асосида ниҳоятда чиройли ҳикоялар ҳам ёзиб келишди. Натигада ижодий танловимизда мавзу ҳам топилди: "Мен табиатни асрашга ўз ҳиссамни қўшаман" Бу мавзуда ёзилган мулоҳазаларни ўқиб, беғубор юраклар меҳридан, эътиборидан гурурланиб кетдим.

Ҳа, ҳар бир ўқитувчининг ўз ўқитиш ва тарбиялаш услуби бор. Гарчи таянч дастурларга асосланса-да, дарсга ўзидан ниҳоятда кўшадан, машғулоти билими-ю маҳоратидан келиб чиқиб бойтади, тўлдирди. Менинг "Жонли бурчак" асосида дарс ташкил қилишим синфда ўзгача меҳрли ва жонли ижодий мухит пайдо бўлишига сабаб бўлди.

БИЗ ҚУШЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛАМИЗ!

Одамзод табиат неъматларисиз яшолмайди. Шундай экан, унга ҳурмат билан муносабатда бўлиши даркор. Бу Конституциямизнинг 50-моддасида "Фўқаролар атроф табиий мухитга



эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар", деб қатъий белгиланган. Тарбиячи сифатида бу сўзларни болажонларга содда тилда, мисоллар билан тушунтиришга ҳаракат қиламан. Афсуски, ҳозир дунё бўйича айрим куш турлари камайиб, бутунлай йўқолиб кетиш арафасида. Шундай кушлар "Қизил китоб"га киритилади. Масалан, кўк қарға йилдан-йилга камайиб кетяпти. Унинг гўшти кўкйўтал билан оғриган беморларга даво бўлади, деб овлашади. Аслида у чигиртка, турли курт-кумурсақларга қирон келтириб, тоғлардаги турли нобў ўсимликларни ҳар хил зараркунандалардан тозалайди. Қишда қалин қишлоқларга тушади. Баъзи кишилар уларга дон бериш ўрнига тўтиб, қафасга солади-лар. Ўқувчиларимга йўқолиб кетаётган кушлардан кўк қарға, каклик, бедана, оқ лайлак кабиларни кимда-ким овласа, зарар етказса, жавобгарликка тортилишини кўп бора таъкидлаб айтаман. Кушлар бизнинг дўстимиз, уларни овлаш эмас, асраш, гамхўрлик қилиш зарур эканлигини айтганимда синфимиз ўқувчилари эртаси кунийк чиройли куш уяларини ясаб келишди ва "Биз кушларни ҳимоя қиламиз!" мавзусида жажжигина ҳикоячалар ёзишди, расмлар чизишди.

Мен кўпроқ дарсларнинг ўзгача завқ бўлади. Мен дарс аввалида болаларга табиат билан боғлиқ саволларни тарқатаман. Дарс охирида эса уларнинг жавобларини йиғиб оламан. Ўтилган дарсни ўзлаштириш жараёнида болалар жавоб сўнг сайр қилиб, мактабга қайтаётган пайтимизда ўзаро мулоқот тўфайли болажонларни қийнаган кўплаб саволларга биргаликда жавоб топамиз. Улар бундай вазиятда ўз оиласидаги тушунмовчиликлар борасидаги саволлар билан муурожаат қилишади. Мен бу саволларни ўта муҳим саволлар каби қабул қиламан ва салмиият билан жавоб беришга, ечим

САЙР ҚИЛАМИЗ ВА ЕЧИМ ТОПАМИЗ

Мен кўпроқ дарсларимни табиат кўйида ўтказишга ҳаракат қиламан. Бундай дарс соатларида гарчи табиат ҳақида гап бормаса-да, ўқувчиларнинг кайфияти кўтарилганлигининг, табиатдаги ажиб бир сокинлик, хотиржамлик уларнинг қалбига сингиб бораётганлигини гувоҳи бўлганман. Дарс ораларида жисмоний машқлар ўтказиш эса болаларнинг қўллари ва кўзларидаги чарчоқни йўқотади. Айниқса, куз фаслида анҳор бўйларида ўтказилган дарсларнинг ўзгача завқ бўлади. Мен дарс аввалида болаларга табиат билан боғлиқ саволларни тарқатаман. Дарс охирида эса уларнинг жавобларини йиғиб оламан. Ўтилган дарсни ўзлаштириш жараёнида болалар жавоб сўнг сайр қилиб, мактабга қайтаётган пайтимизда ўзаро мулоқот тўфайли болажонларни қийнаган кўплаб саволларга биргаликда жавоб топамиз. Улар бундай вазиятда ўз оиласидаги тушунмовчиликлар борасидаги саволлар билан муурожаат қилишади. Мен бу саволларни ўта муҳим саволлар каби қабул қиламан ва салмиият билан жавоб беришга, ечим

топишга интиламан. Шунингдек, табиат кўйида кетаётиб, уларга турли дарахлар ва ўсимликлар ҳақида айрилган топишмоқларни эслатаман ва ўзлари ҳам шу каби топишмоқларни ўйлаб топишларига имкон бераман.

МИЛЛИЙ ҲИМОЯМИЗНИ ИЮНТМАНГ!

Ҳозирги кунда 4-5 ёшли болакай ҳам компьютер қаршисига ўтириб, бутун дунёни кезиб чиқмоқда. У завқли кайфият умидида ҳар хил кўнгли очар ўйинларга берилади. Лекин бу қизиқишдан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга уринаётган кўринмас кучлар ҳам, афсуски, йўқ эмас.

Бугун виртуал олам ўйинлари асосан учта мақсадда ишлаб чиқилади. Биринчиси – шунчаки кўнглихушлик ва вақтни ўтказиш учун.

Иккинчиси – мўмай даромад илн-жида. Учтинчиси – сиёсий мақсадларда. Шу боис компьютер қаршисига ўтирган болани ҳар бир ота-она назорат қилиши лозим. Мен ота-оналар йиғилишларида бу борада кўп марта уларга тайинланганман.

Ўқувчилар билан суҳбатлашган чоғимда уларга қандай ўйинларни билишлари ҳақида савол бердим. Болаларнинг аксарияти энг замонавий компьютер ўйинларини санаб кетишди. Бироқ, мен уларни тўхтатиб, миллий ўйинларимиздан қайси бирларини биласиз, дедим. Афсуски, ҳеч бирини айтиб беришолмади. Шу боис уларга миллий ўйинларимиз ҳақида ота-оналаридан интервью олиб келишларини вазифа қилиб топширдим. Эртасига уларнинг барчаси ўз маълумотлари билан мени хурсанд қилди. Ва биз бу ўйинларнинг барчасини табиат кўйида ўйнаб кўришга ҳаракат қилдик. "Оқ теракии, кўк терак", "Қувлашмачоқ", "Бекинмачоқ", "Тўптош", "Жамбил", "Зувиллатар" ўйинларидан сўнг болаларнинг кайфиятлари кўтарилиб, юзларига ҳам қизил югурдандек бўлди. Ҳа, табиатга ошнолик ҳар қандай инсоннинг завқини оширади, соғлигини мустаҳкамлайди. Шу боис бошланғич синфларда таълим-тарбия олаётган болажонларга ўтиладиган машғулотларни ҳаммаша табиат билан боғлиқ ҳолда олиб боришимиз мақсадга мувофиқдир.

Надира САИДОВА,
Яшнобод туманидаги 204-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси.

Salomga alik olmaslik gunoh(mi)?

"Кўчада ўзингдан катталарни кўрганигда доимо салом бергин!", ойим ҳар кун эрталаб мени мактабга кузатаётганда шундай дерди. Мен ҳам шунга одатландим, кўчада кимни кўрсам салом берадир, лекин бераётган саломимдан ҳар доим ҳам хурсанд бўлмасдим. Чунки кўчликлик алик олмас эди. Маҳалламизда мени танийдиганлар кулиб "Ва алайкум ассалом" дейишса ўзимдан фахрланиб кетардим, индамай алик олмасдан ўтиб кетувчиларни эса, бу одатимдан воз кечишимга сабабчи деб биламан. Саломимга алик олувчилар сони камайиб боргани сари, саломларимнинг сони ҳам камайиб кетди. Аммо онамнинг ўша танбеҳи хали-хануз кўлгошим остида жаранглаб туради. Руларамдан бирор ёши катта киши ёки аёл чиқса иккила-

ниб қоламан, 4-5 қадам илгари салом берсам алик олармикан ёки бермаганим маъқулми, дея ўйлаб бошлайман?

Ёрқин ЖУМАБОВЕВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси фатво бўлими мутахассиси;

– Салом бериш суннатдир. Саломга алик олиш вожибдир. Икки мўмин бири-бирига дуч келганида, хоҳ таниш, хоҳ нотаниш бўлсин, салом беришлари савобли ишлардан ҳисобланади.

Саломни «Ассалому алайкум» ёки «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотух» деб тўлиқ айтиш лозим. Жавобда «Ва алайкум ассалом» ёки «Ва алайкум ассалом ва раҳматуллоҳи ва барокотух» дейилади.

Абу Умома Суҳайл ибн Ҳанифдан, у отасидан ривоят қилади: «Набий

(соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ким "Ассалому алайкум" деса, унга ўн та яхшилик бор, ким "Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ" деса, унга йигирмата яхшилик бор, ким "Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотух" деса, унга ўттиз яхшилик бор», дедилар» (Имом Табароний "Муъжамул кабир"да ривоят қилган).

Агар бир киши бошқа кишига бировдан салом айтиб юборса, ўртадаги одам саломни етказса, дарҳол жавоб бериш вожиб. Агар мактубда салом битилса, у ҳолда ҳам жавоб лозим бўлади. Баланд овозда салом берилади ва жавоб ҳам салом берувчига эшиттирилади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Саломни ораларингизда ёйинлар», деганлар. Зеро, салом бериш

билан бир-биримизга соғлик ва тинчлик неъматларини тилаймиз.

Муҳаммад Содиқ Рушдийнинг, «Яхши кишилар одоби» китобида бу мавзуда шундай сўзлар ёзилган:

"Салом беришда кўл, кафт, бош билан ишора қилинмайди. Бундай қилиш макруҳдир. Баланд овозда салом берилади ва жавоб ҳам салом берувчига эшиттирилади. Агар қар ё гунг одамга салом берилса, ҳам овоз чиқарилади, ҳам кўл билан ишора қилинади. Агар қар ё гунг одам салом берса, жавобда ҳам талаффуз, ҳам ишора бўлиши керак".

Мақсуд Шайхзоданинг "Тошкентнома" асарига шoir Тошкентни "Саломобод" дея тилга олган, уни айнан нимани назарда тутгани ҳаммага ҳам маълум бўлса керак. Биз ўзбеклар саломни суннат ҳисоблаймиз, шундай экан катта-ю кичикдан саломимизни аямайлик, алик олиш ҳам ёдимиздан кўтарилмасин!

Зулхумор ЭРГАШЕВА,
ўқитувчи

SIZ SAYLOVGA BORASIZMI?

Сайлов куни тобора яқинлашиб келмоқда. Бироқ ҳаммамиз ҳам ҳаётимиз ва фаолиятимизга бу сайловлар қанчалар таъсир кўрсатишни, сайловдаги ўз масъулиятимизни ҳис қилмаймиз. Ахир партиялардан кўрсатилган номзодлар ҳам бизнинг талабимиз ва истагимизга кўра ўз дастурини тайёрлайди-ку... Бир зиёли танишим: "Мен сайловга бормаيمان. Эски ҳаммом, эски тос. Борганим билан ҳеч нарса ўзгармайди", – деб қолди.

Нега бормаисиз, албатта, боринг, ўз саволларингиз билан сайлов комиссияси ва номзодга мурожаат қилинг. Бу йилги тайёргарликлар бошқача, десам, беҳафсала қўл силтаганича ўз йўлида давом этди. Ахир зиёли одам шундай фикр юритса, бошқалардан нимани ўпкалайсиз? Шундай қилиб, навбатдаги мулоҳазаларимиз сайловолди жараёнлари, юрдошларимизнинг бу борадаги муносабати ҳақида...

ЧИРОҚ ҲАМ ЁНМАДИ, ЙЎЛЛАР АСФАЛЬТ ҚИЛИНМАДИ

– Жорий йилда сайлов компанияси бошланиши билан икки-уч фуқаро депутатликка ўз номзодларини кўрсатишлари ҳақида фикр билдиришди, – дейди таниқли журналист Шарофиддин Тўлаганов. – Кимдир қўпол равишда фикр билдирган бўлишига қарамай, шахсан мен хурсанд бўлдим. Демак, биз бу борада кўшни мамлакатлар Қозоғистон ва Қирғизистон даражасига етиб оляпмиз. Аммо бир жиҳати бор. Халқимиз ҳамон депутатларни ҳақлик ишлари билан шуғулланадиган "халқ хизматкори" дея билади. Маълум маънода бу ҳам тўғридир. Аммо депу-

тата бўлиши шарт эмас", дедим. Аммо юз иссиқ. Иштирокчилар қоп-қоп ваъда берган ҳокимни ёқлашди, бизни талаб ташлашди. Сайлов натижалари сайлов бўлмасданоқ маълум бўлган эди. Энг қизиғи, сайловларда депутат бўлиб сайланган шаҳар ҳокими бир неча йилдан кейин ишдан бўшатилди ва қамалди. Маҳаллаларда светофор ҳам ишламади, чироқ ҳам ёнмади, йўллар асфальт қилинмади. Ким ютди-ю, ким ютқазди. Нима демоқчиман, бу гап сайловлар аввалгиларидан тубдан фарқ қилиши керак. Иложи бўлса, парламент депутатлигига сайланадиганлар ўша вилоятда истиқомат қилаётган фуқаролар бўлмаслиги зарур. Шунда ҳокимга бемалол сўзи ўтади.

ТЎҒРИ ГАП КЕЛСА, ОТАНГНИ ҲАМ АЯМА!

– Энди эски замонлардаги сингари "Депутат кўчамизга асфальт ётқизсин, ёки газ ўтказсин", – деган гаплар ортда қолиб кетди, – дейди Марказий сай-



бир гап бор, "Тўғри гап келса, отангни ҳам аяма". Майли, партиялар ўртасида тортишув, баҳслар бўлсин. Ҳақоратлар бўлса, суд олдида жавоб берсин. Сиёсий партиялар оқсуяк аёлларни тайёрлайдиган институт бўлмаслиги керак.

САЙЛОВЛАРГА ҚИЗИҚМАЙДИГАН ОДАМЛАР

– Одамлар йўл ҳаракати қоидаларини, гаджетлардан фойдаланишни ўрганапти, ишлашга бора-ман деб, чет тилию хориж меҳнат қонунчилигини ҳам ўзлаштирипти... – дейди ҳуқуқшунос ва таниқли блогер Шаҳноза Соатова. – Лекин сайловларга қизиқмайди, сайлов қонунчилигини ўрганмайди, "ўнлар-сўллар", ишончли вақил, сайловолди дастури, демократик блок ва ҳоказо тушунчаларга нисбатан

якши қарайди, уйингда доим газ-чироқ бўлади, ойлигиндан ортириб уй оласан, саёҳат қиласан, деб одамларни ишонтира оламизми?

БЎШ КЕЛМАНГ, НОМЗОДЛАР!!!

Зиёлиларимизнинг эътирозлари ва умидли мулоҳазаларидан бохабар бўлгач, Абдулла Авлонийнинг "Ким нимани яхши кўрар" номли мақоласидаги мана бу истехзоли мулоҳазалар ёдимга тушди:

"... Эҳтимол, бизнинг халқ илму маърифатни, тарбия ва таълимни, хунар ва саноатни яхши кўрар, деб ўйлайдурғондурсиз? Йўқ, бу фикрингиз ёнглиш.

... Оналаримиз билим ва тарбия ўрнига эрлари ила урушуб-талашуб қизларига мол қилмакни яхши кўрурлар.

... Оталаримиз болаларига уқутмак

– Маҳалламиздаги светофор ишламайди,
– Маҳалламиздаги симёғочда чироқ йўқ,
– Маҳалламиз қачон асфальт бўлади?
– Газ қачон келади?...



тат депутат бўлиши керак эмасми?!

Бундан 10-15 йил аввалги воқеани айтиб бераман. Бир ҳамкасбимизни партиялардан бири вилоят кенгашига депутат бўлиш учун номзодини кўрсатди. Мен унинг ишончли вақили бўлдим. Вилоятдаги шаҳарларнинг биридан номзоди кўрсатилгани боис учрашувларга бордик. Номзодлардан яна бири автопарк ходими ва яна бири шаҳар ҳокими эди. Учрашувда автопарк ходими шаҳарда оламшумул ишлар қилинаётгани, бунда ҳокимнинг ҳиссаси катта эканлигини айтди. Демак, ҳаммаси тушунарли. Кураш биз ва шаҳар ҳокими ўртасида бўлиб ўтиши аниқ бўлиб қолди. Беш-олти марта номзодларнинг сайловолди учрашувлари бўлиб ўтди. Иштирокчиларнинг саволи жуда жўн эди:

– Маҳалламиздаги светофор ишламайди,

– Маҳалламиздаги симёғочда чироқ йўқ,

– Маҳалламиз қачон асфальт бўлади?

– Газ қачон келади?...

Бу саволларнинг ҳаммасига ҳоким "бажарамиз" дея қоп-қоп ваъда берди. Чидаб тура олмадим. "Дўстлар, сиз айтаётган муаммоларнинг ечимини депутат ҳал қилмайди, бу мана шу ерда ўтирган ҳокимнинг бевосита ва-

лов комиссияси аъзоси Шерзодхон Қудратхўжаев ижтимоий тармоқдаги саҳифасида. – Булажак депутатларимиз бутун Ўзбекистон ривожига хизмат қиладиган қонун қабул қилиши керак. Депутатлар қандай қонун қабул қилиши керак эканлигини, қайси соҳада ҳуқуқий ўзгаришлар қилиши керак эканлигини ўйлаши керак. Халқимиз ҳозир нимани хоҳлаётганини билади, шу сабабли ҳам "Болам Ўзбекистонда ишласин", "Фарзандим чет элга ўқишга кетмасин", шу ерда ўқисин", "Менинг болам яхши маош олиб ишласин", – деб депутатлардан сўрашмоқда. Шундай экан, Тошкент шаҳрида ёки Тошкент вилоятидаги ўзгаришлар эмас, балки, депутатлар бутун Ўзбекистондаги ўзгаришларга масъулдирлар. Ўйлайманки, жорий йилдаги сайловларда бизни мана шу саволлар қизиқтирмади. Рақобат чин маънодаги рақобатга айлиниши зарур.

Ҳозир кўпчиликнинг фикрини эшитдим: сайлов чоғида партиялар маданият доирасида, бир-бирини ҳурмат қилган ҳолда ҳаракатланиши керак. Бошқача айтганда, улар ўзини маълум қолипга солиши мумкин. Кечирасиз-у, гап халқ тақдири, эртанги куни, иқтисодий ривожланиши ҳақида кетар экан, блогерлар ижтимоий тармоқларни "ёндираётган" пайтда қандай маданият ҳақида гапириш мумкин? Халқимизда

бефарқ.

Маҳаллий кенгаш нималигини билмайдиганларни кўп кўрдим, Сенатни Қонунчилик палатасидан фарқламайдиганларни ҳам. "Билдим нимаю, билмадим нима?", "Нима фарқи бор?", "Фойдаси йўқ"... Шунанга жавоблар...

Одамларимиз "сиёсатга аралашши, сиёсатни билиш ўзининг келажаги ҳақида қайғуришдир" деган фикрдан ироқ. Чунки шу пайтгача у на ўзи "сайлаган" депутатнинг ва на ўзи сайлаган Парламентнинг кучини кўрди. Улар халқнинг ҳаётига, келажагига доир муҳим қарорларда халқ томон бўлмадилар, умуман, бор-йўқлари билинмади.

Ҳозир партияларнинг ўзаро тош отишларига истехзо билан қараяпти кўпчилик. Отангдан қолган молни талашсанми, ютганинг билан тизгинни беришадими кўлингга, беришса, эплансанми дейди-да. Менимча, ҳозир бизга партиялар пиридан ҳам кўра жонли парламент пири керак. Ресурсни кўпроқ шунга йўналтиришимиз лозим.

Қишининг совуқ куни, яна яқшанда уйдан чиқиб сайлов участкасига боришга одамларни нима ундайди? Бизда шундай рағбат борми? Овоз бер, яхши Парламент тузилса, боланг сифатли таълим олади, шифокорлар

ва таълим бермак ўрнига "Ўғлум эмди каттакан йигит бўлдинг, шунча ўқуганинг етар, пул топ!" – деб "ташишка" – ҳаммоллик қилдиришни яхши кўрурлар.

... Муштарийларимиз фойдали мақолалар ўрнига хабарларни яхши кўрурлар.

... Думаларимиз мажлисга келуб, устугла суёлуб фароғат қилуб тургон вақтларида, бир тарафдан қаттироқ товуш чиқса чўчиб уйғонишни яхши кўрурлар...

Ҳа, сайловга яқин қолди... Бу сафар ўзим таниган, билган, ишонган депутатга овоз бераман, деб умид қилиб турибман. Чунки партияларимизнинг бу галги тайёргарлиги бошқача. Бундан икки йил олдин Президент Шавкат Мирзиёев мудраб ётган депутатларимизни уйғонишга чақирган, уларнинг амалга ошириши мумкин бўлган лойиҳаларини эслатиб қўйган эди. Мактаблар-у маҳаллаларда жавлон уриб юрган партия вақилларини кўриб, ҳайратдан ёқами ушлаб-ушлаб қўйяпман. Ишқилиб, бу саёй-ҳаракатлар фақатгина сайловолди пиарлар бўлиб қолмасин-да.

Менимча, энди халқнинг дарди, ташвиши, муаммоларини биринчи ўринга қўядиган замонлар келди! Бўш келманг, НОМЗОДЛАР!!!!

Мухтасар ТОЖИМАТОВА

YUZ-XOTIRLIK BALOSI

(воқеий ҳикоя)

Эндигина ухлашга чоғланган Комилнинг телефони тинмай жиринглайвергач, гўшакини қўлига олди.

– Ассалому алайкум, тоға, мен Зиёдбекман. Болаларни олиб Ташкентга кетяпман, Қамчиқ довоғига етиб қолдик.

– Зиёдбек, Шахло опамнинг ўғли, меҳмонга келяпти, – деди Комил гўшакини қўйгач, хотинига изоҳ бериб.

– Соат кечки 10 бўлди, шу пайтда ҳам йўлга тушишадими? Уйга етиб келгунларича тонг отади, – деди Манзура оғринганини яшира олмай.

Хотинининг эътирозини эшитган Комил индамай диванга чўзилди. Манзура эгнига халатини кийиб, ошхона томонга ўтди. Пишир-куйдир ёнига салат ҳам қўшмаса бўлмайди. Иссиқ олов ёнида туравериб, қорнидаги хомиласи безовталана бошлади. Ошхона деразасини очиб, атрофини томоша қилди. Тоза ҳаводан нафас олди. Қорнини оҳиста силаб, хомиласини тинчландирди. Саққизинчи қаватдан юлдузлар жуда яқинда тургандек кўринади. Шу топда ўзини жуда осуда ва хотиржам сезар, гўёки, дунёда ундан бахтли одам йўқдек. Хаёли узоққа чўзилмади, ошхонадан чиққан қўланса куйик ҳидидан бошқайрилиб, кўнгли беҳузур бўлди. Овқатнинг тағи олиб, гўштлари қопқора бўлиб қуйиб кетибди.

– Камбағални тузани устиди ҳам ит қопади, деганлари шу бўлса керак. Охири бўлак гўштни солгандим, энди нима қилдим?

– Дадаси, туринг, кўчага чиқиб, бирор таом топиб келинг. Гўштни куйдириб юбордим, – Манзура эрини турткилаб уйғотди.

Ноилж қолган Комил эгнига костюмини кийиб, чўнтакка пул солиб, кўчага чиқиб кетди. Жиянининг шарафига бирор тансиқроқ нарса топиб келмаса бўлмайди. Яна тоғам яхши кутиб олмади, деб хафа бўлиб кетмасин. Комил такси ушлаб, учта супермаркетга кириб чиқди. Ҳаммасида гриль тамом бўлган. Бир сотувчи йигитнинг маслаҳати билан Роҳат бозорига бориб, ўша ердан тандир кабоб топиб келди. Бутун уйни кабобнинг ҳиди тутиб, иштаҳани китиклаб юборди. Манзура бир бўлак олиб еб кўрай деса, ўлчоғиқ, худди камайиб қоладигандек туюлиб, нафсини тийди. Тун ярмига бориб, жияни ва унинг хотини Саодат уч боласини етаклаб, кириб келди. Болаларнинг кўзлари тўла уйку, кичкинаси дadasининг қўлида ухлаб қолган.

– Жиянингиз иш билан 2-3 кунга пойтахтга келаётганди. Биз ҳам эрғашиб келавердик, – деди Саодат жилмайиб.

– Жуда яхши қилибсизлар. Бир шаҳарни айланиб кетасизлар, – деди Манзура меҳмонларнинг кўнгли учун мулозамат қилиб.

Меҳмонлар овқатланиб, қоринларини тўйдириб олгач, ухлашга ётишди. Эркаклар залга, болалар ва оналар ётоқхонага жойлашишди.

– Мен иккита ёстиқда ухлайман, – деди Саодатнинг катта қизи Севинч эркаланиб.

– Мана меникини олақол, ўзи ёстиқда ухлолмай турибман.

Манзура ёстигим кам деёлмай, шу баҳонани ўйлаб топди. Шундай қилмаса бу инжиқ меҳмончалар болаларнинг бошидаги ёстиқни тортиб олишдан ҳам тойишмайди.

– Бўлди, ўғлим, ҳозир биз меҳмондамиз. Бу ерда диван кам экан. Уйга борганда диванга ётасан, Саодат Дилшодни тинчлантираркан, ерда



ётишга ўрганмаганда, дея қўшиб қўйди. Манзура қизи Ойгулни секингина туртиб уйғотиб, ерга тўшалган ўринга туширди. Ойгулнинг ўрнига Дилшод чиқиб ўрнашиб ётиб олди-ю, уйкуга кетди.

Саодат ҳам хурракни жуда яхши отаркан.

Бошига ўғлининг куртқасини тахлаб қўйиб олган Манзуранинг уйкуси қочди. Унга шундоқина эшикнинг ёнидан жой теккан. Чап томонига ағдарилса, қорни эшикка тегиб қолади, ўнг томонига ағдарилса, Саодатнинг кенжатоғи оёғи билан тепади. Юқорига қараб ётай деса қорнидаги кичкинтойига ҳаво етишмай тинчлик бермайди.

Жони ором тополмагач, оёғини узатиб ўтириб олди. Эшикка суюнганча пинакка кетган эди, Дилшодни ҳожатга чиққиси келиб қолди. Кап-катта бола ўзи кириб чиқар, деди-ю, Манзура ўрнидан кўзгалмади.

Тонгга яқин эшикнинг қаттиқ тақиллашидан Манзура чўчиб тушди. Остонада қўшниси Вера холанинг авзойини кўриб, тинчликмикан, дея сергакланди.

– Уйимни сув босиб, ҳаммаёқ остинустун бўлиб кетди. Ҳозироқ сувингни ўчирмасанг, устингдан арз қиламан.

Манзура ваннага кирди-ю, хангуманг бўлиб қолди. Тунда ваннага қўлини ювгани кирган Дилшод жўмаргани пол томонга қаратиб, очиқ қолдирган экан. Сув полга тўлиб, ҳаммаёққа дарёдай тошиб кетибди.

Манзура сувни ўчириб, қўлига латта олиб тозалашга тушди. Тонг ҳам ёришиб, меҳмонлар бирин-кетин уйғона бошладилар.

Саодатнинг уйкуси жуда қаттиқ экан, шунча шовқинсуронни эшитиб ҳам миқ этмади. Эрталаб ўғлининг айбини эшитиб, шаҳар шароитини тушунмаганда, деб қўяқолди.

Вера холанинг оғзини ёпиш учун Манзура унга пул берди.

Эрталаб тоға-жиян кўчага отланишди. Болалар ҳайвонот боғига қачон бо-

– Йўқ, дадаси, сиз нотўғри ўйлаясиз. Улар ҳам одам, қалби, кўнгли бор. Энди бирортаси кўнгироқ қилиб пойтахтга кетаяпмиз, деса аҳволни тушунтиринг. Ҳадемай уйимизда чақалоқ дунёга келади. Икки хонали уйда қандай қилиб меҳмон кутамиз.

рамиз, деб туриб олишди. Манзуранинг шаҳар айланиш уёқда турсин, югани ҳам ҳоли йўқ. Наилок, дардини кимга айтсин? Ким уни шаҳарда яшасин, депти. Ўзи шу ерларни ҳавас қилиб келган, энди чидайди-да. Болаларни олиб ҳайвонот боғига йўл олишди. Дард устига чипқон деганларидек, шаҳардан қайтишларига лифт ишламай қолибди. Саққизинчи қаватга етиб олгунча она сути озгиза келди. Уйга кириб диванга чўзилди-ю, бошини одеял билан ўраб, ўзини уйкуга солиб ётиб олди.

– Шаҳарлик аёлларга мазза, – деди кўзгу ёнида турган Саодат. – Ҳар доим ўзларига қараб, чиройли бўлиб юришади. Сочини кестирмаганимга ҳам уч ой бўлибди. Бирорта сар-

тарошга бориб келмасак бўлмайди. Қишлоқда вақт топсангиз, пул ортмайди, пул топсангиз, вақт йўқ.

Манзура ўзини эшитмаганга солиб ётаверди. Ярим соатдан сўнг Саодат кенжатоғини олиб, кўчага сартарошхона излаб чиқиб кетди. Кўп ўтмай Манзурага кўнгироқ қилиб, сартарошхонадаги аёл ўзбекчани билмаслигини, рус тилида тушунтиришга қўйналаётганини айтиб, тез етиб келинг, дегач Манзура инқиллаб-синқиллаб зиналардан аста-аста қадам босиб, йўлга тушди. Саодат сочини кестириб, бўятди, қошларини тердириб бўлгунча сартарошхонада ўтириб турди. Шампунь, бальзам, лак, бўёқлару, турли атирларнинг аралаш-қуралаш ҳидидан кўнгли беҳузур бўлиб кетди. Ташқарига чиқиб кутиб турди. Жиянинг уч кунлик иши беш кунда битди. Ниҳоят меҳмонлар кетадиган кун яқинлашди.

Манзура суюнгандан Саодатнинг сумкасини нозу-неъматлар, ширинликларга тўлдириб берди. Меҳмонлар кетгач аччиққина чой дамлаб, эр-хотин суҳбатлашиб ўтиришди.

– Ажойиб, меҳмондўст халқмизда, – деди Манзура пиёладаги чойни айлантириб томоша қиларкан.

– Ўзимиз емаганини меҳмонга атай-

миз. Чўнтагимизда пул тугаб, қарз кўтармагунча кўнглимиз тинчимайди. Бошқаларга ўхшаб, борини дастурхонга қўйиб, кутиб олсак ҳам бўлади-ку.

– Ота-боболаримиз ҳам худди биздек андиша қилиб яшаган. Биз ҳам ўшаларнинг авлодимиз, – деди Комил хотинининг сўзларини тасдиқлаб. Ўзбек меҳмондўст халқ, андишали, юз-хотир қилиб яшайдиган халқ.

– Ҳамма нарсанинг ҳам меъёри, чегараси бор. Нера одамлар фақат ўзларини ўйлайди. Пойтахтга келиб ишларини битиради, кетишади. Отанамиздан бошқаси бизни дийдоримизни соғиниб келмайди. Ҳаммаси ҳаво алмаштириб, айланиб кетаман, деб келишади.

– Ҳа, хоним, жиянимни келгани сизга оғирлик қилдимми?

– Оғирлик қилди демадим, қадримга ачиндим. Ўтган йили хизмат сафарига бориб, ўзингиз қариндошларингизни безовта қилмай туман марказида меҳмонхонада ётиб келдингиз. Пойтахтда нима кўп, меҳмонхона кўп. Майли, яқинларининг уйларига келсин, меҳмон бўлишсин, қаршилигим йўқ. Лекин пойтахтга шифохонага давола-

нишга, ўқшга, ишлашга, малака оширишга келиб, ойлаб қолиб кетадиган одамлар бор. Уларнинг ақилларининг оилавий шароити, аҳволи билан ҳам ҳисоблашиш керак-ку. Дам олиш кунлари, байрамга тўғрилаб келишади. Ахир бу ердагиларнинг ҳам оиласи бағрида дам олгиси, хотиржам яшагиси келади. Касал бўлган кунлари, оилавий муаммолари бўлади. Уларнинг хатоси пойтахтда яшаётганими... Мана шу муаммони деб, бир-бири билан келишолмай юрган эр-хотинлар қанча? Бировнинг уйида тиқилиб яшагандан кўра, меҳмонхонада бемалол туришса бўлади-ку. Қачон бизда меҳмон қутиш, меҳмонга бориш одоби шаклланади?

– Жуда ошириб юбормадингизми? Энди сизни қариндошларингиз келса меҳмонхонага кузатиб қўямиз.

– Йўқ, дадаси, сиз нотўғри ўйлаясиз. Улар ҳам одам, қалби, кўнгли бор. Энди бирортаси кўнгироқ қилиб пойтахтга кетаяпмиз, деса аҳволни тушунтиринг. Ҳадемай уйимизда чақалоқ дунёга келади. Икки хонали уйда қандай қилиб меҳмон кутамиз.

– Бу тақлифни сиз киритдингиз, ўзингиз айтаверасиз. Одамнинг юзи иссиқ, мен қаттиқ гапиролмайман.

Манзура билан Комилнинг сўзлари бир жойдан чиқмади, анчагача тортишиб ўтиришди. Барибир бир фикрга келишолмади. Манзура бу мавзуда баҳслашиш бефойдаллигини тушуниб ўрнидан туриб, белига фартуғини боғлади, уйларни тозалади, кир ювди. Кечга бориб белида кучли оғриқ бошланиб, юраги беҳаловат бўла бошлади. Ҳаво етишмай, нафаси бўғилиб ҳушидан кетиб қолди.

Комилжон тез ёрдам машинасида хотинини туғуруқхонага олиб борди.

– Она соғ-омон, аммо бола ўлик туғилди, – деди олган доя аёл Комилга ҳамдардлик билдириб. Икки нафар фарзандингиз бор экан, насиб бўлса яна ҳомилалор бўлади. Аммо ҳозир аёлингиз тушкун кайфиятда. Унга далда керак.

Хотинининг бағрида чақалоқ кўришни ният қилган Комилнинг тарвузи қўлтиғидан тушди. Манзуранинг муздек қафтини бармоқлари орасига олиб сиқиб қўйди. Кечир, мени онаси, сизларни асрай олмадим. Шу топда Комилнинг қўл телефони узоқ жиринглади...

Сизгера РАҲМОНОВА

oilavajamiyat@mail.ru



IJODDAN ASLO TO'XTAMAGAN ADIB

Соглиққа ишонч йўқ, деганлари рост экан. Улуғ ўзбек ёзувчиси ва драматурги Ўлмас Умарбеков ижодининг гуллаган чоғида тўсатдан хаста бўлиб қолди. Сўзлаш қобилиятини йўқотди. У қачон, қандай ҳолатда бу дардга чалинди?

Ўлмас Умарбеков ҳаётидаги аянчли воқеа 1990 йил 20 мартда юз берди. Тошкент аҳли, адабиёт ва санъат ихлосмандлари бевақт кўз юмган, тобути "Киночилар уйи" ҳовлисига қўйилган шоир Туроб Тўла билан видолашаётган пайт эди. Маросимга раислик қилаётган Ўлмас Умарбековнинг аҳоли бирдан ёмонлашди. Овозининг галатирок эшитилиши ҳаммани хавотирга солди.

Маданият вазири, Вазирлар Кенгаши раисининг муовини лавозимларида ишлаётган Ўлмас Умарбеков бемор бўлгани боис вазифаларни топширди. У тилдан қолди, аммо кўнгилни чўктирмади.

Табиблар унинг дардига даво тополмасдилар. Шундай бўлса-да, умидсизликка тушмади. Кўзларида хиёл тириклик ифодаси барқ урар, касалликка тан бермай, кўнгил сўраб келган ёр-дўстлари, шогирдларини азалий табассум, очик чеҳра билан қарши оларди. Гапиролмас-да, балқиб турган туйғуларини юз ифодасидан ўқиш мумкин эди. Қўлида рецепт билан яёв дорихоналарга борар, кўчада танишлар дуч келиб қолса, имо-ишора билан суҳбатлашар, ўзи билан қалам ва қоғозини ҳам олиб юрар, керак бўлиб қолган тақдирда гапини ёзиб мулоқотга киришарди.

Нималар қилиб қўйди беморлик? Жуссаси кичрайиб қолган, қошлари мошкичири...

У биз билган Ўлмас Умарбековга



сира ўхшамасди. Аммо барчасини ичига ютар, ҳадемай тагин "ҳаммаси ўз изига тушиб кетиши"га суюкли ёри Зухрани қандай ишонтириш йўлини қидирарди. Ўксиб-ўксиб йиғларди, Зухраҳоним. Яширинча, албатта... Аммо эри унинг ҳолатини сезар, ўз дардини бир четга суриб, вафодорининг ғамидан қон бўлар, ёнига ўтириб, унинг қўлини



қафтларига оларкан, эзилган юраги қанчалик ғамга тўла бўлмасин, табассум қилишга уринарди.

Бир куни:

— Бегим, — дея эрининг кўксига бош қўйди, Зухраҳоним.

У ортиқ гапира олмай қолди. Эрининг гапдан қолганидан унинг ҳам "гапдан қолиши"га сал қолганди. Ҳа, Зухраҳонимнинг ҳам тили боғланиб қолгандай эди.

Ўлмас ака аста ғам-ғусса ҳайкалига айланган суюгининг маънос кўзларига боқди. У дастурхоннинг бир четига қадалган кўзларга бир назар ташлади-ю, кўп нарсаларни англаб олди. Юраги ниманидир эшитди. Рафиқасининг кўксига сигмаган юрак нотасини!

Қани эди унга таскин берса. Уни бисотидаги бор сўзлари билан овутса! Лекин қандай қилиб?

Шунда улуғ адиб ёнгинасида бош эгиб ўтирган аёли олдида ўзини ожиз сезди.

Йўқ, бунақаси бўлмайди. Бу аҳволда у ҳам касал бўлиб қолиши — бир дард иккита бўлиши турган гап. Бирор нима қилиш керак...

Орага чўккан жимликдан юраги сиқилиб кетган Ўлмас ака блокнотини қўлига олди. Ёзди: "Биласизми, нималар ҳақида ўйлаяпман?"

— Хўш, нималар ҳақида? — сўради Зухраҳоним.

Ўлмас ака яна ёзди: "Яхши нарсалар ҳақида. Яхшиям ўй-хаёл суриш берилган экан одамга. Яхши нарсаларнинг хаёлида одам таскин топгандай бўлади. Таскин топган киши эса барчасини энгиб ўтишига ўзини ишонтира олади. Таскин топшим, яна аввалгидай бўлиб кетишим учун куч топа олишимни истарсиз?.. Унда сиз ҳам фақат яхши нарсалар ҳақида ўйланг. Умидингизни сўндирманг!"

— Ҳаракат қиламан, бегим. Йўқ, сўз бераман, фақат яхши нарсалар ҳақида ўйлашга!

Ўлмас Умарбеков ва Зухраҳоним...

"Қизимга мактублар..."

Эр-хотин кўп йиллар фарзанд кутиб, ниҳоят, фарзандли бўлишди. Шунинг учун ҳам кўзларининг оқу қорасини бошқачароқ эркалатишарди.

Аммо эркатой ҳам энди мулзам тортиб ўтирибди бир четда.

Тилаб-тилаб топган жигарбандинг ёнингда турса-ю, унга бир сўз дея олмасанг. Эркатувчи нигоҳ ташласанг-да, "қизалогим" деб эркалатолмасанг.

Умидага ҳам қийин бўлганди. У бошини эгганча кўзлари жавдираб тураркан, қалбида фарёд кўзгалар, унсиз йиғларди. Меҳрибон отанин "Она қизим!" деган меҳрга тўла овозини эшитиш энди армон бўлиб қолганди қизалоққа. Меҳрибон отаниннинг гапирисида ҳам меҳр бор эди-да!

Сўзлашдан махрум бўлган адиб қизига мактублар битарди. Мактубни, одатда, узоқдаги яқинларимизга ёзамиз. Мактуб йўллаб...

Ўлмас Умарбеков эса ёнида ўтирган жигарбандига хат ёзиб, ўз қўли билан топширарди.

"Қизим Умида, дунёда яхши одамлар кўп..."

Ҳа, яхши одамлар кўп. Аммо...

Таваллудининг олтмиш йиллигига бағишланган тантана адибнинг иштирокисиз ўтди. "Бу аҳволда қандай раёсатда ўтираман?"

У "олтмиш учга кирсам, пайгамбар ошини бериб, дўстлар даврасида ўтираман" деб ният қилганди, аммо бу ҳам насиб қилмаган экан.

Ҳаётидаги фожияни олдиндан сезгандай, Ўлмас ака юз берган воқеадан бир неча кун аввал дилидаги сўзларини магнитофон лентасига ёздирган эди. Васият ва ҳасрат ҳиди келарди у айтган сўзлардан.

Ҳаял ўтмай ўша, биз юқорида эсланган бедаво дард адибнинг умрига завол бўлди. Кейин эса...

Зухра опа эрию унинг ёқимли, жарангдор овозини соғинганида магнитофонни қўяди — тугмачани босиши биланоқ, аввало, ўзининг номини эшитди: "Зухра!"

У меҳр пардасига ўраб айтилган сўзларга қулқ тутаркан, турмуш ўртоғини эшитиб тургандай бир энтикади, кўзларида ёш айланса-да, у нишонсиз кетмаганлиги — Умидасини қолдириб кетганидан кўнгли таскин топгандай бўлади.

Муҳаммад ШОДИЙ





AYDARKO'L – qushlar makoni

Жиззах ва Навоий вилоятлари худудида ястаниб ётган Айдаркўл мамлакатимизда табиий кўлларнинг энг каттаси ҳисобланади. Манбаларда ёзиллишича, ўтган асрнинг бошларида Нурота тоғлари ён бағрида Тузкон кўли бўлган. Аҳолига шу ердан туз етказиб берилган. Кейинчалик сув тошқинлари вужудга келиб, Арнасойдаги кичик кўллар бирлашиб Фориш туманининг дашт томони сув билан қўшилиб кетган. Шу тариқа Айдаркўл республикаимиздаги улкан сув ҳавзасига айланган. Кўл жуда маҳобатли, унинг бир томони уфққа туташиб кетган. Эрта тонгдан куёш буй кўрсатгач, теварак-атроф қирмизи тусга киради. Сув сатҳи минг бир жилоланиб, ҳақиқий жозиба касб этади.

Кўл кўплаб сув ҳавзаларидан иборат бўлиб, табиати мўътадил. Бу ерда эрта тонгданоқ қушларнинг баланд овоздаги шовқин-сурони эшитилиб туради. Айниқса, соқақушлар шовқини олис-олисларгача садо беради. Биз соҳил бўйлаб борарканмиз, сув қушлари бошимиз узра чарх урар ва ҳавога кўтариларди. Қушларнинг кўплиги ва турли-туманлиги ақлни шоширади. Улар парвози ажиб бир гўзаллик бағишларди.

Бу қушларни ўтроқ ва кўчиб юрувчиларга ажратиш мумкин. Қорабузов, оқбош ўрдак, қашқалдоқ, қирговул камбилар ўлкаимизда муқим

яшайди. Илгари кўлда қорабузов ва чағалайлар бармоқ билан санарли даражада эди. Эндилқда улар сони кўпайиб, бошқа сув қушларининг тури ҳам ортиб бормоқда. Улар гала-гала бўлиб, товушсиз ҳаракат қилиб, сувнинг тебранишидан ўлжасини осон топадилар. Шунингдек, қирғоқ бўйидаги ўсимликлар ва дон-дунлар билан озиқланиб, етарли ёғ захира-сини тўплайди.

Қалин чакалакзорларда товуқсимонлар туркумига кирувчи қирговуллар ҳам кўзга ташланиб қолади. Хўрозининг кўзлари атрофи қизғиш, боши кўк рангда бўлиб, бўйин қисмидаги оқ хошияси уни янада ёрқинлаштирган.

Танасининг ярмидан ортиғи дум. Модасини ўзига хос кичиқриқ билан жалб қилади. Мода қирговул унинг олдида кўримсиз, тана усти кум рангда бўлиб, кўнғир

доғлари бор. Хавф-хатар туғилгудек бўлса, учигша мажбур бўлади. Аммо улар дадил ва тез югура олади. Тустовуқларни, айниқса, очиқ табиат оғушида кузатиш ниҳоятда завқли.

Қушларнинг кўчиб юриши – яшаш учун курашдан иборат. Айдаркўлда қишда ҳам сув музламагани учун минглаб ранг-баранг қушлар гала-гала бўлиб, аргимчоқ

ҳосил қилиб, Узоқ Сибир ва Урал ортидан учиб келишган. Шулардан соқақуш, қорабузов, оқбош ва

олақанот ўрдаклар, оқ пешонали ва қизилтомоқ ғозлар, ноёб ва камёб оққуш ҳамда турналар бир-бири билан ўзаро хабар алмашиб, озуқа мўл бўлган жойларни топишади.

Йиртқич қушлардан оқдумли сувбургути ҳамда сувқирғийлар ўткир кўзли айёр "овчилар" дир. Улар худди яшиндек тез ҳаракатланиб, балиқларни панжалари билан осонгина тузоққа илтинтиради. Оққушлар – "Кўл маликалари" ҳисобланиб, жуда чиройли ва хуркак. Сувда сузиб юрувчи йирик қушлардан. Кўриниши қордек оппоқ, тумшуги сарик. Бўйни тана узунлигига тенг.

Кулранг ғоз нодир паррандалардан ҳисобланиб, учиб олдида бироз югуриб, сўнгра истар-истамас ҳавога кўтарилади. Унинг ташқи кўриниши жуда чиройли. Устки қисми кулранг, қорин томони оқ патлар билан қопланган, тумшуги эса қизил рангда. Оёқ панжалари пардалаи бўлганидан сувда

тез ва яхши сузади. Уларни қамишли ҳавзаларда учратиш мумкин. Кулранг ғозлардан ташқари ёввойи ва кўк ғозлар ҳам кўзга ташланиб қолади. Улар бу ерга қишлаш учун учиб келган.

Ўрдақсимонлар туркумига кирувчи чуррак ювош ва хуркмас қуш. Секин ҳаракатланади. Ташқи кўриниши кулранг. Оёқ панжалари пардалаи бўлганлиги сабабли сувда тез сузиб, чуқур шўнғий олади. Сув тагида узоқ вақт тура олиши билан бошқа қанотли қушлардан фарқ қилади.

Айдаркўлда балиқхўр қушларнинг йигирмага яқин тури мавжуд бўлиб, улардан қоровой, қашқалдоқ ва соқақушлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Аёзли қиш кунлари кўл соҳилларида бошқа худудлардан учиб келган қушлар сони янада кўпайган. Кўпчилиги ҳавза бўйлари ва ботқоқ худудларига кўчиб келишади. Улар чегара билишмайди. Шимолдан учиб келган бу қушлар ў л к а м и з д а

тўхтаб, дам олиб, озиқланиб, куч тўплаб, яна келган жойига қайтиш тадоригини кўришади. Узоқ сафар олдида гала ҳосил қилиб, бир хил йўлдан учиб кетишади.

Биз қирғоқ бўйлаб борарканмиз, қизил шўразор ва шувоқзорлар эътиборимизни тортиди. Кўлнинг кумли соҳиллари кўриниб, юлғун ва қамишзорлар ҳам кўзга ташланиб турарди.



Саксовул шохлари тарвақайлаб, танаси йўғонлашиб кетган. Улар қишда қушларга бошпана, ёзда соябон ва-зифасини ўтайди. Бундан ташқари, йирик буталар, куёнсуяк, черкез, қандим каби чўл ўсимликлари кўкка буй чўзиб, қум кўчкилар олдини олади.

А. САИДОВ



ЗОТИДА БОР, ЗОТ АЙИРАР...

Лангар тоғ яқинидаги Қишлиқ қишлоғида туғилганман. Ёшим етмишга яқинлашаётган бўлса, шундан сал кам эллик йилини кўпқарига бағишлаганим рост. Тўрт оёқлаб юрадиган жониворларнинг кўпини миниб кўрдим. Эшак миндим, туя миндим... Лекин буларнинг ҳеч биридан от минишининг завқини олган эмасман. Фақат от мингандагина кўкайимга сирли-сехрли шамол урилди. Ҳали-ҳануз от устида ўмганимни тик тутиб юрарканман, кўкайимга келувчи ёшлигимдан бери таниш бу шамолдан танамига енгиллик, томилларимга аллақандай қувват оқиб кираётганини сезиб тураман.

...Ушанда роса йигирма ёшда эдим. Ҳарбий хизматдан энди қайтган даврларим. Чироқчида бўлган бир тўйда илк бор кўпқарига киришга чоғланиб турибман. Бир пайт томошабин чоллардан бири мен томонга қараб: "Бу нимкала йигит ким бўлди? Мирзатеракдай бўйдан бошқа ҳеч вақоси йўқ-ку, қандай улоқ чопади?" дегани яққол қулоғимга кирди. Манглайимдан совуқ тер чиқиб, бўғинларим бўшашиб кетди. Шунда яқинда турганлардан яна биттаси баралла овозда:

– Эй, танимадинларми?! Бу Қашқадарё ва Сурхондарёни бир қара тўхтатган Али қора билан Карим чавандозларнинг невараси Сафар чавандоз-ку! Оққан ариқнинг боласи у, зот айиради!.. – деди ишонч билан.

Билмадим, балки ўшанда ёнимни олган одам мени шунчаки йигит шашти қайтмасин, деб мақтаб қўйгандир. Ҳар холда у пайтда чавандоз бўлиб номим чиққан эмасди. Аммо боболарим ҳақидаги бу гап қувватимга қувват қўшиб, томиримдаги қонни гулриртириб юборди. Ва мен от миниб даврага кирган илк кўпқарида оз эмас, уч марта зот айириб, элни қойил қолдирдим!

Кейинчалик ҳам ҳар сафар ўйин олди кўпқарида кийиладиган анжомларимни кийиб ўзимни шайлар эканман, "Қашқадарё ва Сурхондарёни тўхтатган Али қора билан Карим чавандозларнинг невараси..." деган овоз қулоқларимда садо бериб турадиган бўлди.

Инсон зотига ота-бобосининг номини тез-тез эслаб туришининг ҳосияти катта эканини ана ўшанда тушуниб етганман.

АЗА ТУТГАН ОТ

Ёшлик даврларимдаги бир воқеа эсимдан чиқмайди. Она тарафдан қариндош бўлган бир бобомиз оламдан ўтди. Бобомиз ўзи от чопмаса ҳам, чавандозларга бериб чоптирадиган бир улоқчи оти бўларди. Одамлар ирими шундай деб, марҳум бобомизнинг жегдасини отининг устига ташлаб қўйди. Отнинг сел бўлиб йиғлаганини илк марта ўшанда асван узмас, кўзларидан эса жимир-жимир ёш оқарди... Ҳамманингни кўзи отда! Жанозада кўпчилик марҳум бобомга куйганидан эмас, тилсиз жониворнинг бундайин мустар тортишиндан эзилб йиғлагандай тўлғанди менга...

Шу бўлди, ўша от бир йилдан кўпроқ улоқ деган нарсага қарамай қўйди. Чиройи ҳеч очилмади, боши доим ҳам бўлди. Отасининг энди йўқлигини болалари эсдан чиқарганда, эрининг ўлганини хотини унутганда, от эгаси учун сал кам икки йил аза тутди!

Мен шундан бери одамларнинг эмас, отларнинг кўзига тикилиб қарашини яхши кўраман.



CHAVANDOZ HAQIQATLARI

yoxud, Safar Ataqlar hayotiga chizgilar

ЗАФАРГА ТЕНГ МАҒЛУБИЯТ, МАҒЛУБЛИККА ТЕНГ ҒАЛАБА

Сурхондарёга кўпқарига бордик. Сафдошларимнинг йўлбошчиси мен, улар кўпроқ менга ишонишди. Аммо олдин бир-икки кўпқарида улоқ олдириб, ичидан менга адоват сақлаб юрган қўшни воҳаликлар тadbир қўллашди: ўйин бошлангандан от билан йўлимни тўсиб, даврандан четга сура бошлашди. Уларнинг фикр-зикри улоқ айиршида эмас, менингни улоққа етиб боришимга тўқсинлик қилишда эди.

Ноилож чеккага ўтдим-у, жандам (чавандозлар яктаги) нинг тексарисини кийдим. Бошимдаги қалпоғимни ва миниб юрган отимни ҳам сафдошларимдан биттасиникига ўзгартирдим. Оқибатда, кўринмай қолган мени излаш билан банд рақибларни гафлатда қолдириб, икки марта зот айириб чиқишга муваффақ бўлдим! Кўпқари сўнггида яна ўз отим, ўз кийимимда кўриниб берганимда шу ерлик чавандозлар менга имлаб "Охирида улоққа кирган тўриқ зўр чиқди-ю, лекин барибир Сафарга улоқ олдирадидик, алам билан кетадиган бўлди", деб қулишди. Узимни гўё ҳеч гап эшитмагандай тутиб, мен ҳам кулибгина қўйдим.

ОТ ЁЛИНИ ТЎШАЙДИ...

От йиқилган эгасига ёлини тўшайди, эшак туёғини, деган гап ҳақиқат. Агар чавандоз югуриб кетаётган отининг устидан учиб кетган каби эшакнинг устидан йиқилса борми, қайтиб одам бўлиши маҳол.

Мен ҳам бир галги ўйинда шахд билан улоққа талиндим-у, йиқилиб, изимдан келаётган кўплаб от галаси-



Бугунги кун ёш чавандозлар бирорнинг отини миниб бир марта улоққа киришига нарх қўяётгани эса судхўрликнинг бир турига ўхшаб туюлади. Рост-да, полвон зотига ярашадими шу қилиқ?

нинг тагида қолдим. Ерда ғужанак бўлиб ётарканман ён веримдан "тапир-тупур" ўтаётган отларни кўриб, ичидан бирорта ҳам бутун суғим қолмагандир, аниқ ўлдим, деб ўйлайман. Йўқ! Мени давранинг четига олиб чиқишгач, маълум бўлишича, оёғимнинг болдир суягидан биттагинаси синган экан холос. Уям учиб кетиб йиқилган пайтимда! Устимдан ўтган шунча отнинг эса бирортаси ҳам мени босмасдан ўтибди.

Орадан икки ой ўтиб, оёғим батамом тuzалгач, Косон томонга кўпқарига борган эдим, ўша ёқлик мени таниган чавандозлар: "Ҳа, ичинга ланнат уста Ёзи! Сафар чавандознинг оёғини яна улаб юборибди-да!" – деб қишлиқлик суяксиз устани сўкишганини эшитдим.

ЧАВАНДОЗ ҚАЧОН ЙИҒЛАЙДИ?

Ҳақиқий чавандоз йиғласа ўзи учун йиғламайди, эли учун йиғлайди. Эли арслон юракли бир эр йигитга зор бўлса, элдошлари номусга, уятга қолса йиғлайди чавандоз. Минг марта отдан йиқилиб, юз жойи лат емайди, ўзи учун бир томчи ҳам кўз ёш тўкмайди у. Чавандознинг йиғиси асли элнинг йиғиси. Шунинг учун ҳам, менингни назаримда чавандознинг йиғисидан хунуқроқ, чавандознинг йиғисидан ёмонроқ нарса йўқ бу оламда.

Ҳа... Айтганча, чавандоз бир марта ўзи учун йиғлаши мумкин. Меҳри тушиб, ўрганиб қолган оти ўлганда...

ЎҒЛИМГА НАСИҲАТ

Бир вақтлар яхши чавандозларга одамлар ўзига тегишли отини бериб улоқда чоптирар, оти зот айириб қолса чавандозни дуо қилиб, азбаройи хурсандлигидан ул-бул нарса атар эди. Бу бир ҳавас эди, аниқ бирор шарт

ҳам, чавандознинг отни мингани учун кесилган нарх ҳам йўқ эди. Бугунги кун ёш чавандозлар бирорнинг отини миниб бир марта улоққа киришига нарх қўяётгани эса судхўрликнинг бир турига ўхшаб туюлади. Рост-да, полвон зотига ярашадими шу қилиқ? Ахир табиат йигит билалига кучни нима учун беради, элининг қорига яраш, оғирини енгил қилиш учун эмасми?!

Қамчимни олган кичик ўғлим Нурбек чавандозга: "Элнинг назаридан қолишдан қўрқсанг, танти бўл! Илло, эл бир чимдимдан берса тўйдирди, бир тулукдан туфласа чуктиради!" деб насиҳат қиламан.

ШАМОЛГА ТУФЛАМА

Она сути оғзидан кетиб улгурмаган ушқоқдеккина йигитча сиз ҳақингизда асар ёзаман, дейди. Ҳафсаласиз қараганимни кўриб, "яқинда бир шоир кўпқари бешафқатликни тарғиб қилади, деб айтди. Мен ўз асаримда бундай эмаслигини исботлайман!" дея чиранади у. Ушқоқ йигит айтишича, ўша шоирнинг гўдаклигида чиройли улоқчаси бўлган, уни ўзи меҳр бериб улғайтирган, сўнгра шоирнинг отаси улоқни чавандозларга топшириб юборган экан. Шундан кейин шоир кўнглида кўпқари ўйинига нисбатан адоват уйғонибди.

"Аспида кўпқари ҳақида кўплаб улуг ёзувчилар томонидан яхши асарлар битилган, – менда мақсадига нисбатан ҳайрихоҳлик уйғотиш учун тағин жаврашда давом этади йигит. – Фалон ўзбек, фалон рус ёзувчиси ёзган... Бари яхши ёзган..."

У айтаётган ёзувчиларни мен яхши танимайман. Тўғриси айтмай, китобларини ҳам ўқиганим йўқ. Дуруст ёзган бўлса ёзгандир-да! Лекин айти пайтда ўз ҳиссиётлари оғушида беармон оқиб, тўлиб-тошиб гапирётган қаршимдаги йигитчанингни алланарсаларни чалкаштириб юборганини тушуниб тураман. Йигитча шоир нечоғли ноҳақ, ўзининг эса ҳақлигини исботлаш учун кўрсатаётган бу тақлид тиришқоқлик қулғимни қистатади.

Ахир шоирнинг бир оғиз гапи билан кўпқари йўқ бўлиб қолмаслигини мен биламан-ку! Кўпқарининг қуни манави тилибйорик йигитчага қолмаганини ҳам биламан-ку! Бурун замонларда кўпқарига ҳатто бутун ҳукуматнинг қарши чиққанини кўргандим. Ўзиникини ўтказиб илжинида асов отдай пишқириб-депсиниб ўша ҳукумат ҳам ўтиб кетганди. Лекин яшаб қолди-ку кўпқари, сен яна нимани исботлашга уринасан?! Билсанг, кўпқари асли айтаётган ёзувчиларининг истеъдодидан улгуроқ! Агар миллатни тирик одам сифатида тасаввур қилсанг, аъёна ва қадриятлар унинг томирида оқаётган қонидир. Бас! Демак кўпқарига ўхшаган минг йиллик қадриятлар миллатнинг умри қадар яшайди! Миллат борми, улар барҳаёт!

Ҳали гапирганингни: улогу-эчкининг асли тақдир шул экани – ё қассобнинг пичоғида, ё бўрининг чанғилида жон бериш қисмати эканини тушунмаган, балким тушуниб туриб тан олишни истамаган шоирингга эса, мен нима ҳам дей?!

Мен гапга уста эмасман. Фикримни узоқ тушунтирай десам тилим эшилиб, бошимга оғриқ туради. Хуллас, мендай шартни кетиб парти қолган чол билан маслаҳатлашай деб вақтинги кетказиб ўтирма. Ёзмокчи бўлсанг кўп ланж қилма-да, ёзган айтган асарингни. Кўпқарида мужассам бўлган жасуриликни, ватанпарварликни ё! Фақат... Фақат не қилсанг ҳам шамолга туфлама, болам! Шамолга туфласанг тулғунинг бетинга қайтади. Кўпқарини у, бошқамни, элнинг қон-қонига сингиб кетган қадриятларига осилиш шу иш билан: шамолга туфлаш билан баробардир!..

AYOLNI TANQIRLAGAN

o'ziga, kelajagiga
zulm qiladi

Аёл мўътабар, аёл ожиза, оилаларимиз чароғбони бўлган аёл зотига эҳтиром кўрсатиш, уларни эъзозлаш миллий анъаналаримизнинг ажралмас қисмидир. Муқаддас динимиз ҳам нозик хилқат вакилларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тўла-тўкис таъминлаб берган. Чунончи, муборак ҳадисларимизда “Аввало онангга, онангга ва яна онангга, сўнгра отангга яхшилик қил”, “Аёлларни улуғ инсонлар ҳурмат қилади, уларни фақат пасткаш одамгина хўрлайди”, “Жаннат эшиги оналар оёғи остидадир” дейилган.

Афсуски, сўнги пайтларда аёлларни хўрлаш, камситиш ҳолатлари кузатиляпти. Арзимас баҳоналар билан жанжал чиқариб, турмуш ўртоғини дўппослаётган эркаклар сафи кенгайиб бормоқда. Ижтимоий тармоқларда аёлнинг хўрлангани, зўравонликка учрагани ҳақида видеолар тарқалиб, кенг муҳокамаларга сабаб бўлаётганининг ҳам гувоҳи бўляпмиз.

Яқинда Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида яшовчи ўттиз ёшдан ошган беш нафар фуқаро тунги соат 1.30 да кўчада кетаётган 26 ёшли аёлни мажбурлаб, машинага ўтқизиб, овлоқ жойга олиб бориб, номусига теккани ҳақидаги хабар кенг жамоатчиликни турли фикрлар қуршовида қолдирди. Кимлардир 5 эркакни лаънатлаган бўлса, яна кимлардир аёлни кечаси нима иш қилиб юрганини қоралади. Ҳаттоки, баъзи интернет сайтларида фақат аёлни айтдириб қилиб кўрсатиш ҳолатлари ҳам кузатилди. Хусусан, “Postda.uz” интернет нашрида ёзилишича “...ушбу жиноятнинг қисқача тафсилоти билан танишган киши ҳам нафратланади, ҳам ҳайратланади. Ҳайратланарлиси эса, эътибор берган бўлсангиз, воқеа ярим тунда содир этилган. Ҳақли савол туғилади: ёш қизнинг шу пайтда сабабсиз кўчада юришига ота-онаси қандай йўл қўйиб берди экан. Бу ҳам оилада тарбия ма-

саласига эътиборсизликдан бири эмасми? Бу каби саволлар кўп. Лекин бу сингари саволларни жиддий ўйлаб кўрмасликнинг оқибати жиноятлар келиб чиқишига сабаб эмасми?!” мазмунида хабар тарқалди.

Мазкур хабар “Fasebook” тармоғи фойдаланувчилари ўртасида ҳам кескин мунозараларга сабаб бўлди. Куйида баъзи фикрларни келтириб ўтмоқчиман.

Мадина Муродуллаева: Аёл кишига тунда кўчада нима бор экан, дейсизларми? Мен ҳам кечаси соат 3-00 да дорихонадан боламга дори излаб чиққанман. У бечора аёл ҳам бирор юмуш билан чиққандир. Шарҳларни ўқиб, бизнинг баъзи эркаклар аёллардан ҳам баттар ивгогар эканлигини билдим. У аёлнинг хулқи ёмон бўладими ёки яхшими, эркакларнинг бундай иш қилишга ҳаққи йўқ эди.

Меҳрия хоним: Ҳақиқий эркаклар бўлганида эди, кечаси кўчада бир ўзи кетаётган ожизани уйига олиб қўйишарди. Ичларида биронта ҳам эркак киши йўқ экан, ўзлари шарманда бўлишди, оиласини, ота-онасини шарманда қилишди, болаларини иснодга қолдиришди бу ҳайвоний ишлари билан. Эссиз эркаклик, эссиз оталик, эссиз фарзандлик.

Гули Абдуллаева: Ҳеч ким ўзига қафолат бера олмайди, тунда соат бир яримда кўчага чиқмайман деб. Ҳаётда ҳар қандай вазият бўлиши мумкин.

Бу қизнинг вазиятини билмай туриб, айбни унга ағдариб ноўрин.

Шукр Аустин: Изоҳларни ўқиб, эркакларимизнинг кўпчилиги калтафаҳм эканлигига яна бир бор амин бўлдим. Нафақат эркаклар балки баъзи аёллар ҳам.

Одил: Тузук қиз бемаҳалда кўчада юрмайди.

Умарбек Абдурахмонов: Тунги соат 1.30 ларда у қиз нимани излаб кўчага чиққан экан?...

Болтабой: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ёки Куръони Каримда тунги соат 1-00 да аёл кишини кўчада

“
“
Қарши шаҳрида яшовчи ўттиз ёшдан ошган беш нафар фуқаро тунги соат 1.30 да кўчада кетаётган 26 ёшли аёлни мажбурлаб, машинага ўтқизиб, овлоқ жойга олиб боришди ва номусига тегагани ҳақидаги хабар кенг жамоатчиликни турли фикрлар қуршовида қолдирди. Кимлардир 5 эркакни лаънатлаган бўлса, яна кимлардир аёлни кечаси нима иш қилиб юрганини қоралади.

юриши мумкин эмас, деб ёзилганми? Балки аёл кечки сменадан фабрикага ишга кетаётган ёки келаётган бўлсачи?

Гувоҳи бўлганингиздек, аксарият эркаклар аёлни қоралаган бўлса, кўпчилик хотин-қизлар ҳамма айбни эркакларга “ағдарилган”. Ҳолбуки, барча ўз қарашларидан келиб чиқиб, хулоса ясаган. Бу масала ҳақида таҳлилий мақола ёзиш-

ни режа қилиб, ишдан уйга қайтаётсам, автобусда бир аёлнинг ёнидаги дугонасига айтган фикрлари эътиборимни тортди.

– Эшитдингизми, бир аёлга 5 та эркак зўравонлик қилганини. Номардлар, уларни ҳам опа-синглиси бордир, – дея сўз бошлади аёл.

– Ҳа, яқинда бу хабарни ўқиб, ўзимнинг ҳам бошимдан бир воқеа ўтгани ёдимга келди, – дея ҳикоясини эслади дугонаси. – Болаларим кичкиналик пайтида олийгоҳда ўқиб, ҳам ишлардим. Рўзгорга ҳарна бўлар, деб уйимизга яқин жойда бир идорада фаррошлик қила бошладим. У ерда иш вақти 8-00 да эди, мен унча ҳамма жойни тозалаб, дарсга ҳам кетишим керак. Доим турмуш ўртоғим обориб қўярди. Бир гал уларни уйғотишга кўзим қиймай, ишга ёлғиз чиққандим соат 5-00лар эди чамаси. Қиш эмасми ҳамма жой қоронгу. Кўчада ҳеч ким йўқ. Секин йўлак бўйлаб кетаётсам, бир эркак киши машинасини тўхтади, “ишгами?” деди. Соддалигим курсин “ҳа” деб жавоб берсам, “қанча бўлади” дейди. Ўшандагина нима демокчи бўлганини англаб қолдим. “Мен болаларимни ҳалол боқиб учун фаррошлик қиламан, ҳозир шунинг учун кетяпман” десам, ўзи ҳам хижолат бўлиб, кечирим сўраганиди ўшанда.

Унинг ҳикоясини тингларканман, ўзимнинг ҳам болалигим ёдимга тушди. Онам Самарқанд шаҳрида “Хужум” пиллачилик фабрикасида ишлар эди. Улар 2 сменадан ишлагани боис, баъзан иш вақти ярим кечаси тугарди. Дадам бекатдан онам ҳамда улар билан бирга ишлайдиган қўшни хотин-қизларни ҳам бирга олиб келарди. Бир куни ишхонанинг автобуси бузилиб қолган. У пайтлар телефон қаёқда. Дадам уларни тонггача кутган пайтлари ҳам бўлган.

Дарҳақиқат, “Аёл кишига кечаси нима бор, уйда ухламайди бу пайтда”, деб унга таъна тошларини отиб, тангани бир томонини кўраётган инсонлар ҳам кўп орамизда. Бугун юртимизда хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини таъминлаш, қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, бир сўз билан айтганда, олимпиятларимизни жамятининг тенг ҳуқуқли, фаол ва бунёдкор аъзосига айлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Аёллар муаммоларини бартараф этишга, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оила ва жамятдаги нуфузини оширишда республикамиздаги мавжуд барча вазирлик ва идоралар кенг жалб қилиняпти. Бугун аёллар масалаларига барча ташкилотлар ва уларнинг раҳбарлиги бошқача кўз билан, яъни ижобий ва жиддий қарашмоқда. Бундай ёндашув амалий ва самарали натижаларни бермоқда, албатта. Хотин-қизларнинг яхши яшashi, меҳнат қилиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш устувор вазифалардан бири бўлиб келмоқда. Ҳукуматимиз томонидан тадбиркорларга кенг имкониятлар очилган. Кўплаб цех, тикув, қандолатчилик фабрикалари, корхона-заводларда хотин-қизларимиз 3 сменадан ҳам ишламоқда. Чунончи, Самарқанддаги “Баҳмал” фабрикасида ишлаётган Майсара Худойназарова шундай дейди:

– Мана 10 йилдики, мазкур фабрикада 3 сменадан алмашиб ишлаймиз. Бир ҳафта 8-00 дан 16-00 гача бўлади. 3-смена эса 24-00 дан бошланиб, эрталабки 8-00 гача давом этади. Ишхонага маҳалламиздаги хотин-қизлар билан фабрика ажратган махсус автобусда қатнаймиз. Бизнинг уйимиз кўчанинг ичкарида бўлгани боис, автобус бекатигача ўзим боришим керак. Бошида қўрқардим, онам ёки акам кузатиб чиқарди. Ёз фаслида маҳалла эркакларни экинларни сўғоришга навабчилик қилишарди. Баъзида улар шу атрофда юрганларини кўриб, бежавотир ўтардим. Кечаси ёлғиз кўчага чиқиш, ёмон қиз дейиш, ноўрин деб ўйлайман.

Давлат ёки жамоат ташкилоти бўладими, хотин-қизларга эътибор, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳар доим барча саъй-ҳаракатларнинг марказида бўлиши керак. Чунки аёлга эътибор, жамятга эътибор дегани.

Яқинда Президентимиз томонидан тасдиқланган “Хотин-қизларни тазййқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар қафолатлари тўғрисида”ги қонулар фикримизга яққол мисол бўла олади.

Ушбу қонун орқали ожиза бўлган аёлларни хўрлаш, уларни, тазййқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш масаласи қонуан мустаҳкамланди. Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёлларга кўмак бериш, уларнинг манфаатини ҳимоя қилиш, уларга ҳуқуқий маслаҳат, ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа ёрдам олиш имкониятлари янада кенгайди. Ёлғиз муҳими, жамят таянчи бўлган аёллар энди камситилмайди, улар турли тазййқларга учрашининг олди олинади.

Хулоса қилиб айтганда, биз ўзлгимиздан, маънавиятимиздан, миллий қадриятларимиздан қанчалик зақоқлашиб бораверсак, бошимизга шунча қулфатлар ёғиллаверади. Аёлларни таҳқирлаган, ўзига, келажакга зулм қилган, ўзи ўтирган дархат шохини ўзи кесгандек гап эмасми, азизлар. Шундай экан, аёл зотини хўрлаш эмас, унга эҳтиром кўрсатиш олий мақсадимиз бўлиши даркор. Зеро, мунис оналаримиз, мухтарам опа-сингилларимиз ҳаётимизнинг кўрки, умримизнинг мазмунидир.

Чарос ДЎСТМАТОВА

oilavajamiyat@mail.ru

“AVVAL YASHAB KO‘RAY-CHI, BO‘LMASA” ...

Халқимизга хос ва мос қалбада ўзгача бир илиқлик, кайфият уйғотиб, ҳаяжонга соладиган, бир-биридан пурмаъно урф-одатларимиз бор. Мисол учун, эрта тонгда кайвони онахонларнинг айланб-ўргилиб янги келинчакни тўйхонага йиғилган қариндош-уруғ, кўни-қўшнилари, каттаю кичикка бирдек таъзим билан саломга олиб чиқишини олайлик. Саломга жам бўлганларнинг орасида келинга меҳр ва ҳавас билан назар ташламагани йўқ бўлса керак. Айниқса, аёллар, бўй қизлар, кичкинтойларнинг ҳаё-ибо билан таъзим қилаётган келинчакнинг юзидаги нафис тўр сонияга кўтарилиши-ю, унинг чеҳрасини кўриш истагида кўзлари ёниб туришини айтмайсизми?! Қалбни энтиктириб, ҳаяжонга соладиган бу каби миллий урф-одатларимиз, анъаналаримизни таърифлаганимиз сайин, улардаги самимиятга йўғрилган ҳаётийлик бўй кўрсатаверади.

“ЯНГИЧА ҚАРАШ” ЎЗИНИ ОҚЛАЯПТИМИ?

Аммо орамизда баъзи европага тақлид қиладиганларга бу эскилик сарқити ёки оддий ҳолат бўлиб кўринишига нима дейсиз? Айтганча, уларнинг “янгича қараш”лари ҳам бор, албатта. Бу “янгича қараш” ўзини қанчалик оқлапти?

Таниш бир опанинг айтишига қараганда, ўғли танлаган қиз унга ёқмаган. Она: “Бошқа қиз топ, буни унут ўғлим”, дея насиҳат қилган. Шунда “ўта замонавий” ўғилнинг “Авал яшаб кўрай-чи, бўлмаса...” деган жавобидан қайси ақидага юз буришини билолмай онанинг юраги вайрон... Қандай қилиб тўй-томоша билан элга маълум қилиб, уйланиш, оила қуриш яна иккиланб, таваккал... Мана сизга европача фикрловчи баъзи йигитларнинг оилани тушуниши. Шу ўринда ёшларнинг оилавий ҳаётга муносабати мавзуда мақола тайёрлаш жараёнида айрим бўй қизларда: “Бир марта турмушга чиқсам бўлди...” деган фикр юзага қалқиб бир ҳамкасбимнинг бундан пол қолганини ҳам айтишим керак. Бу ҳам қизларимизнинг “европача ҳаёл”ларга берилишининг таъсири эмасмикин?!

“ЎЗИ ЎЗБЕК, ФАҚАТ ЕВРОПАЛАШГАН ОИЛА”

Майли, ёш-да, қизиққон, баландпасти тушунгунча кўп туртиниб, дуч келган тошга бошини уриб кейин ўзига келади, деймиз. Аммо айрим катталар, тўғрироғи, тулпа-тузук ота-бобоси ўзбек аёллар ҳам бу борада бизни “ҳайрат”га солади. Масалан, ҳозир узатиладиган қизи борларга ўзбек дегандан кўра, “ўзи ўзбек, фақат европалашган оила” деган изоҳ жуда ёқади-да. Айниқса, келиннинг онасига: “Замонавий оила экан, қизим ҳар куни сочи сулуриги, қўли косов бўлиб қайнонанинг хизматини қиладими? Руслашгани яхши эркинроқ бўлади. Бемалоп яшайди. Алоҳида бўлса янаям яхши”, дегувчилар ҳам йўқ эмас. Яна бир жиҳат: тўй олди маросимларида “ташаббус”ни қўлга олиб, келин бўлиб борадиган хонадонни бориб кўриб, шароитлари билан яқиндан танишиб, талаблар рўйхатини тобора катталаштириб юбораётган қизлар борлигига нима дейсиз? Хуллас, бу борада “янгиликлар” кўп...

ИСТИҲОЛАНИНГ МУКОФОТИ БОР

Ўзбекигимизга хос урф-одатларимиз ҳақида бекорга таъкидламадик. Бизда тақдири бошқа бир

оиланинг фарзанди билан боғланган қиз фотиҳа, пахта солди, уй кўрди каби тўй олди тадбирларида кўпчиликка кўриниш бериши уят саналади. Ҳатто бувиларимиз қизларни қуда томонининг бирор яқинига тўқнаш келиб қолишдан огоҳлантиришади. Тўй олди тадбирларида келин бўлмишининг бирор қариндоши, дугонаси, кўни-қўшни ёки бўлмаса уйдаги бирор чекка хонада кўздан нарироқда бўлганини неча бор гувоҳи бўлганман. Куёв томон карнай-сурнай, ёр-ёрлар билан келинчакнинг бахт остонасида қутлаб, юз-кўзларида ҳаяжон, эзгу ўй-хаёллар, орзу-ҳаваслар билан қаршилаши шу истиҳоланинг мукофоти бўлса, не ажаб?! Хўш, энди айтинг-чи, уй кўришга келиб, унисида

Орамизда ёшлар ўзи хоҳлагандек яшагиси келади, бир марталик тўйни орзу-ҳавас билан ўтказишга нима етсин, жуда майдалашиб кетдингиз-да дегувчилар ҳам бор. Аммо европага тақлид қилиш асносида ўзини “ўта замонавий” санаганлар европада оилага муносабат, меҳр-муҳаббат ва садоқат-вафони ҳам ўрганишлари керак.

эмас, бунисида яшайман, яна алланима талаблар тузган келинни куёв томон самимий меҳр, иззат-икром билан қаршилаши мумкинми? Бунда ноилоҳлик ва яна ўзимизнинг ўзбекона андиша вазиятни муросага келтириши ойдек равшан, албатта.

ШОУ-БИЗНЕС ЮЛДУЗЛАРИ ТАШАББУС КЎРСАТИШЯПТИ

Яна бир оммалашаётган “одат” ҳақида икки оғиз сўз. Кўпинча ниҳох тўйларини хориж киноларидек эртакна-



мо бошлаш, келин-куёвни севги-муҳаббат изҳори бўлиб янграйдиган аллақайси хорижий кинодаги таниш куй-қўшиқ билан қарши олиш, кузатиш ҳолатлари. Айнан шундай “ташаббус”ларни шоу-бизнес юлдузлари, эл назаридagi инсонларнинг ижтимоий тармоқларда кенг тарқалган



яхши кунлари видеоларда кўп кузатиш мумкин. Биз бу билан тўйларда ўзбекигимизга хос бўлмаган янгича кўринишларни тақиқламоқчи эмасмиз. Бироқ илдизлари жуда чуқур миллийлигимизга, ўзбекигимизга, беқлигимизга ҳеч нарса тенглаша олмаслигини ва айримларнинг эртакнамо “янгилик”лари маънавиятимизга “соя” солишини ўйлашга, бу борада “тарғиботчи”га айланиб қолишдан огоҳлантирмоқчимиз

қилиш эсига тушиб қолди, шекилли бирдан қўли кўксига эгилиб таъзим қилиши... Кимлардир ёшларни шодийна сабабчиси бўлса, “Умрда бир марта бўлади, ўйнасин кулсин”, дея оқласа, бошқалар “жуда хунук кўринар экан” дея қарши фикр билдирди. Бу юқорида биз юлдузлар мисолида бонг ураётган муаммонинг бир кўриниши эмасми? Орамизда ёшлар ўзи хоҳлагандек яшагиси келади, бир марталик тўйни орзу-ҳавас билан ўтказишга нима етсин, жуда майдалашиб кетдингиз-да дегувчилар ҳам бор. Аммо европага тақлид қилиш асносида ўзини “ўта замонавий” санаганлар европада оилага муносабат, меҳр-муҳаббат ва садоқат-вафони ҳам ўрганишлари керак. Бу масала бизда мутлақо акси яъни, юқоридаги йигит қизларнинг фикридаги “Авал яшаб кўрай-чи, бўлмаса...” ёки: “Бир марта турмушга чиқсам бўлди...” “сингари ҳавойи кайфият ва таваккалчилик...

БУНИ СИЗ ҚАНЧАЛИК ТЎҒРИ ДЕБ ЎЙЛАЙСИЗ?

Яна бир ҳаётий мисол. Бир талаба қизни танийман. Уни биринчи марта кўрганымда сира ўзбекка ўхшатмадим. Беш тилни мукамал билладиган замонавий билимлар билимдон бўлган бу қиз билан ўн дақиқа суҳбатдош бўлиб, унинг фитратига ўзбекона қараш жуда кучли эканлигини пайқадим. Демак, замонавийлик билан миллийликни онгли равишда уйғунлаштириш мумкин?! Балким, ўзларини “ўта замонавий” деб билган ёшларнинг балки катталарнинг ҳам хато ва камчиликларининг битта сабаби шу уйғунликни идрок эта олмаётганидир. Аслида бу борадаги муаммолар ва мулоҳаза қиладиган мавзулар кўп. Замонавийлик ва миллийлик орасида аросатда қолганлар қанча?! Баъзан юртимиздаги муқаддас қадамжолар, ўзбек маданияти, урф-одатларига қизиқиб, уларни ўз кўзи билан кўриш истагида дунёнинг турли чеккаларидан юртимизга саёҳатчилар оқиб келаётган ва айнан туризмни ривожлантиришда муҳим ишлар амалга оширилаётган лапада кимларнинг наздида қартайган миллийлигимизу, мантиқсиз замонавийлик ҳақида жуда майдалашиб, баҳс-мунозара қилгиси келади, одамнинг. Нима бўлганда ҳам маъно, мазмун, муҳиятни амалларимизга асос қилишни унутмаслигимиз керак.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,
журналист



SUVNING HAR TOMCHISIDA

18 ming olamning quvvati mujassam

Маълумот

Бир суткада Ўзбекистон аҳолисига 6 млн. 226 минг м/куб сув етказиб берилади. Республика бўйлаб жами 65.8 минг километр сув тармоқлари ўтказилган. 10 мингдан ортиқ сув ва оқова иншоотлари мавжуд. Шунингдек, сув қувурлари орқали сувни аҳоли хонадонларига етказишда умумий сувнинг 30-40 фоизи йўқотилади. Хорижий давлатлар тажрибасида бу кўрсаткич 10 фоизни ташкил этади.

тирсам, ўтган йили хизмат сафари билан Фарғона вилоятига борган эдик. Марғилон шаҳрида бўлганимизда кўчада сув қувури ёрилиб, ёзнинг жазирасида ҳам кўчани ўтиб бўлмас даражада сув босиб ётган экан. Шунда биз дарҳол ушбу ҳолатни суратга олиб, Фарғона вилоят "Сувоқова" ДУКнинг Марғилон "Сувоқова" филиалига чиқиб ҳолатни етказганимиздан сўнг улар муаммони бартараф этишга киришдилар.

Афсуки, бундай ҳолатлар тез-тез учраб турса-да, ўша жойдаги тегишли мутасаддиларнинг лоқайдлиги, ичимлик сувининг кўчаларда ёки хонадонларда беҳуда оқиб кетаётганига эътиборсизлик ҳар қандай кишини ачинтиради.

Ёки ҳовлиларда ичимлик суви билан экинларни сўғориш, водопровод жўмрагини очиб қўйиш, машиналарни водопровод сувини узоқ муддатда неснубуд қилиб ювиш, кўчаларда кранларнинг оқиб ётиши кабиларни гапириб ўтирмасам ҳам бўлади.

Ваҳоланки, баъзи мамлакатларда сувнинг қанчалик тақчиллиги, ҳатто тўйиб сув ичишни орзу қиладиган, занглаган ёки қўлмақ сувларни ичиб, турли касалликларга гирифтор бўлаётган инсонларни оммавий ахборот воситаларидан кўриб, эшитиб, қанчалик гўвоҳи бўлиб келялмиз.

Узоққа бормасдан олис Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ туманига, Хоразмнинг энг чекка қишлоқларига бориб аҳолининг яшаш тарзини ўрганадиган бўлсак, у ерда ичимлик сувининг нечоғли машаққат билан олиб келиниши, танқислиги, бир кунлик сувнинг тежаб ишлатилиши ва қадрлигининг гўвоҳи бўласиз.

Нимани хор қилсанг, шунга зор бўласан, дейди донолар. Демак аҳолининг ноёб неъмат – сувга бўлган муносабатини ўзгартириш даркор. Бунинг учун нима қилиш керак?

Энг аввало, фарзандларимизга кичиклигидан, яъни "сув" нима эканлигини тушуна бошлаганидан оқ сувнинг қимматли неъмат ва уни исроф қилиш увол эканлигини ўқитиб боришимиз керак. Таълим соҳасида эса сувни эъзозлаш бўйича ҳам дарслар ўтиб, сув иншоотларига амалиёт ёки саёхатлар уюштирилса, ўқувчилар он-ида жўмрақдан оқётган сувнинг қанча машаққатлар авазига олиб келиниши ҳақида тасаввур уйғонади.

Сувнинг инсон ҳаётида тутган ўрни, увол ва заволи ҳақида Қуръондаги оятларда ҳам батафсил

келтирилган. Сув бошқа мамлакатларда арзон эмас. Масалан, Бразилияда 3 АҚШ долларидан зиёд турса, Хитойнинг Сиан вилоятида 0,5 литр суви 0,3 АҚШ долларидан 0,76 долларгача сотиб оладилар. Ҳатто баъзи давлатларда ичимлик харид қилиш, унга муз солиш 2 соатдан кўп вақтни олади.

Айтиш жоизки, Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан ана шундай муаммоларга ечим топилади.

Хусусан, ушбу қарорда сув таъминоти ҳамда канализация соҳасидаги хизматлар сифати, тармоқ корхоналари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш, ишончли молиялаштириш манбалари, жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш мақсадида бир қатор устувор йўналишлар белгиланган. Шу мақсадда 2020–2024 йилларда Ўзбекистон Республикасида сув таъминоти ва канализация соҳасини ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди.

Ўз навбатида, ушбу ислохотларга катта маблағ жалб этилган. Жумладан, 2019 йилда сув таъминоти ва канализация объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилишга қаратилган 237 лойиҳа учун Давлат бюджети ҳисобидан 1,1 трлн. сўм ҳамда яна 7 та лойиҳага халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ҳисобидан 95,6 млн. АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратишни назарда тутувчи манзилли дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Қарор билан Молия вазирлиги ҳузуридаги "Тоза ичимлик суви" жамғармаси Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси этиб ўзгартирилди. Унинг дастлабки капиталига қўйилаётган маблағ салкам 250 млн. АҚШ долларини ташкил этмоқда. Агар ушбу ишлар тўғри йўлга қўйилса, сув таъминоти ва канализация тармоқларини бошқариш тизимини рентабелли соҳага айлантириш имкониятлари очилади. 2019–2021 йилларда ичимлик сувини ҳисобга олишнинг замонавий приборлари ва тегишли ускуналарни харид қилиш ҳамда уларни ўрнатиш ишлари фаоллаштирилади.

Ҳа, сув манбаларини тоза сақлаш халқимизда қадрият даражасига кўтарилган.

Демак "Сувга тупурма", "Сувга чиқинди ташлама" "Сувни исроф қилма" каби ибора ва нақллар халқимиз ҳаётида қонун-қоидага айланган.

Мақсад суви беҳуда исроф қилмаслик, ундан оқилона фойдаланиш ва унинг қадр-қимматини англашдир. Шунинг учун, сайёрамизнинг қайсидир жойларида одамлар бир томчи сувга зор, инсонлар шўр сувларни, ариқларнинг лойқа сувларини ичишга мажбурдилар!

Марям АҲМЕДОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Сув бу – ҳаёт демакдир. Сувнинг томчисида 18 минг оламнинг қуввати яширинган, дейди нурунийларимиз. Инсон ҳаётида сув энг муҳим ўринни эгаллайди. Чунки сув ижтимоий ва маънавий ҳаётимизда беиннат ёрдамчиси, қондирувчи ва тазоловчи, инсоният тараққиёти ва тирикчилигининг асоси ҳисобланади.

Аммо биз, яъни одамлар табиатнинг шундай улуғ ва тансиқ неъматини ҳамма ҳам қадрлай олаемизми?

Менимча, йўқ! Унутмаслик керакки, ҳар қандай неъматнинг ҳам тугаш чегараси, яъни охири бўлади. Сувнинг ҳам вақти келиб тугаши ёки камайиши турган гап. Унда нега биз дунё миқёсида тақчил неъматга айланаётган, баъзи давлатларда олтиндан-да, қиммат турадиган, яқин келажақда нефтдан ҳам қимматроқ баҳоланиши башорат қилинган СУВнинг қадрига ета олаемизми?

Энг таажублиси, баъзан қадр-қиммати паст ашёларни "сувтекин экан" дея атаб, сувнинг қадрини янада тушириб, уни хафа қилмаялмизми? Нима, бир кун ичмасак яшай олмаддан, дарров сув излаб қолишимизни унутиб қўйдикми ёки суви шунчалик қадрсиз, текин қилиб қўйдикми?

Тўғри, бизнинг бетақор мамлакатимизда сув мўл. Ариқлару сойлардан, анҳору дарёларимиздан тўлиб, шалдираб, чулдираб зилол сувлар оқади. Амударё ва Сирдарё ораллигида жойлашган яшил ва бетақор маконда яшаймиз. Аммо унутмаслик керакки,

бундан 15-20 йиллар олдингига қараганда сувнинг биров бўлсада тақчиллашиб бораётганини, аҳолини ичимлик сувининг, қишлоқ хўжалигида сўғориш тизимларининг сув билан таъминланиши долзарб масалага айланиб бораётганини унутиб қўйялмиз шекилли.

Чунки, олдингидек сойлару ариқларнинг ошиб-тошиб оқиши, серёғингарлик, Сирдарё ва Амударё каби трансчегаравий дарёларнинг Орол денгизига сувни тошқин олиб келмаётганига анча йиллар бўлди. Тўғри, мамлакатимиз аҳолисининг 65 фоизини марказлаштирилган ичимлик сув таъминоти билан қамраб олинган. Чучук сувнинг 33 фоизи сув ҳавзалари ҳисобидан, қолгани ерости сувларидан йиғиб олинади ва сув иншоотларида тозаланганидан сўнг кўпсонли аҳолига қувурлар орқали етказилмоқда.

Афсуски, мамлакатимизда сув қувурларининг эскиргани ва кўп йиллардан буён уларнинг янги қувурларга алмаштирилмагани, натижада, жойларда тез-тез сув қувурларининг ёрилиши оқибатида тоза ичимлик сувининг беҳуда оқиб ётгани, аҳолининг бефарқлиги ёки тегишли жойга вақтида мурожаат қилмаслиги натижасида ҳам ичимлик сувларининг неснубуд бўлиш ҳолатлари кузатилади.

Мисол тариқасида кел-



Oila va jamiyat
Ижтимоий-
сиёсий,
маънавий-
маърифий
газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси,
"Болалар ва оилаларни қўллаб-
қувватлаш" ассоциацияси
(Болалар жамғармаси) ва
"Соғлом авлод учун" халқаро
хайрия фонди

Бош муҳаррир в.б.: Акбар ҚАРШИЕВ

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент – 100000.
Амир Темуру кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 1136. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ. Адади – 1922. Баҳоёси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчи: Ч. Дўстматова
Мусаҳҳих: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Маликов

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

ISSN 2010-7609



12345